

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.5*

НУРХАНОВ АКТАМ СОЛИЕВИЧ

**« Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этишнинг
амалдаги ҳолати таҳлили »**

5А340601 «Давлат молиясини бошқариш» мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар и.ф.н.
доц._____Рахимов А.**

ТОШКЕНТ-2013

Диссертация Тошкент молия институти «Молия» кафедрасида
бажарилган.

Расмий оппонент

Кафедра мудири

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Х.Ахмедов

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
I Боб. Макроиқтисодий барқарор ривожланишни таъминлашда давлат харидини тартибга солишнинг илмий-амалий асослари.....	9
1.1. Макроиқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ва давлат даромад ва харажатларининг шаклланиш жараёни.....	9
1.2. Давлат харидини амалга оширишнинг илмий-амалий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	26
I боб бўйича хулоса.....	37
II Боб. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	38
2.1. Қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулот етиштириш ва нарх белгилаш механизмининг амалдаги ҳолати.....	38
2.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва давлат харидини ташкил этиш ва унга таъсир этувчи омиллар	48
2.3. Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	62
II боб бўйича хулоса.....	80
III Боб. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида давлат харидини самарали ташкил этиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари.....	82
3.1. Давлат харидини самарали ташкил этишда ривожланган давлатлар тажрибаси.....	82
3.2. Капитал қурилиш соҳаси ва истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда баҳолар мониторинги юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.....	89
III боб бўйича хулоса.....	98
Хулоса.....	100
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	104

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши учун объектив ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур”¹.

Шунингдек, ўтган 2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди”².

“Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

² И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

махсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланди³.

Республикамиз ишлаб чиқариш тармоқларини тубдан ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири, бу фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ҳамда рақобат муҳити шароитида ишлаб чиқаришни замон талаблари асосида ривожлантириш орқали давлат эҳтиёжларикеракли бўлган барча турдаги маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминланишга эришиш ҳамда яратилаётган озиқ-овқат, қурилиш, саноат маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат харидини тартибга солиш ҳамда унга таъсир этувчи омилларнинг сабабларини ўрганишдан иборатдир.

2012 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур.

2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор. Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи//Г. 2012.21.01.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор⁴.

Умуман олганда бугунги кунда яратилаётган барча турдаги истеъмол ва бошқа турдаги товарларга ичик эҳтиёждан ташқари давлат бюртмасининг ҳам мавжудлиги, шунингдек, яратилаётган маҳсулотларга давлат харид нархларини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш механизмини барқарор ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, шу боис ушбу мавзу долзарб бўлганлиги учун танлашга асос бўлди.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Давлат харидини самарали ташкил этиш муносабатларини ўрганишнинг назарий асослари билан хорижлик ва республикаимизнинг кўпгина етакчи иқтисодчи олимлари тадқиқотлар олиб боришган.

Жумладан, чет эллик олимлардан Маркарьян Э.А., Малахова Н.Г., Мантенья Н. Мантенья, Г. Юджин Стенли., Бердникова Т.Б., Абрамова М.А.⁵, Кислов Д. В.⁶, мамлакатимиз олимларидан Вахобов А., Срожиддинова З., Б.Беркинов., Жамолов Х., А.Вахобов., У.Бурхонов.⁷, Т.Жураев ва бошқалар илмий тадқиқот иши мавзусига оид соҳада тегишли тадқиқотларни олиб борганлар.

Айнан давлат харид нархларини самарали ташкил этиш тизимини ривожлантиришга эришиш масалалари тўлиқ ўрганиб чиқилмаган.

⁴ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

⁵ Абрамова М.А., Александрова Л.С. Финансы и кредит: Вопросы и ответы. –М.: «Юриспруденция», 2006.-184с.

⁶ Кислов Д. В. Практическое бюджетирование для нефинансовых менеджеров - М.: «Налог Инфо», 2008. - 160 с.

⁷ У.Бурханов. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. Тошкент.: 2010.160-бет.

Шуни эътиборга олган ҳолда давлат харид нархларини самарали ташкил этиш муаммосини тадқиқ этиш фойдадан ҳоли эмас.

Тадқиқот ишининг мақсади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида яратилаётган маҳсулот ва хизматларга давлат харид нархларини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш борасида таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- Макроиқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ва давлат даромад ва харажатларининг шаклланиш жараёни ва унинг аҳамиятини ўрганиш;

- Давлат харидини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

- Қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулотга нарх белгилаш ва давлат харидини ташкил этиш ҳолатини таҳлил қилиш;

- Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

- Давлат харидини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб беришдан иборат.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари бўлиб, Республикамиз Президенти асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мушоҳадалари хизмат қилади. Шунингдек, мазкур илмий тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент асарлари, Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг объекти – Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлат харидини самарали ташкил этиш жараёнидаги муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: тадқиқот ишида тизимли таҳлил, таққослама ва иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Иқтисодийни рақобатбардошлигини ошириш шароитида давлат харидини самарали ташкил этиш борасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг илмий янгиликларини ифодаловчи асосий натижалар қуйдагилардан иборат:

- Макроиқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ва давлат даромад ва харажатларининг шаклланиш жараёни ўрганилди;
- Иқтисодийни барқарор ривожланишини таъминлаш шароитида давлат харидини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди;
- Қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулотга нарх белгилаш ва давлат харидини ташкил этиш ҳолати таҳлили қилинди;
- Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди;
- Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг ишининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги тадқиқот натижалари, хулоса ва таклифлар давлат хариди масалаларини яхшилашга ва уни такомиллаштиришдан иборат. Таклиф қилинган назарий хулосалар, илмий, амалий тавсияларни давлат

хариди самарадорлигини оширишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда амалиётга жорий этиш мумкин.

Диссертациянинг ишининг тузилиши ва таркиби. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши 110 саҳифада ёритилган бўлиб, 9-жадвал ва 13 та расмни ўзида мужассамлаштирган.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти берилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлашган ифодаси. Макроиқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ва давлат даромад ва харажатларининг шаклланиш жараёни, давлат харидини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари жиҳатдан ёритилган, қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулотга нарх белгилаш ва давлат харидини ташкил этиш ҳолати таҳлили қилинган, капитал қурилиш соҳаси маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда баҳоларни белгилаш ҳолати таҳлили каби масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этиш механизми, давлат харидини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича илмий-амалий тавсиялар келтирилган.

I Боб. Макроиктисодий барқарор ривожланиши таъминлашда давлат харидини тартибга солишнинг илмий-амалий асослари

1.1. Макроиктисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ва давлат даромад ва харажатларининг шаклланиш жараёни

Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат бўлган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида тўхталар экан, “...авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади”⁸ дея эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўзига хос синовга айланди. Хусусан, мазкур муаммолар қаторида энг аввало ҳамон инсониятга ўзининг салбий таъсир оқибатлари билан жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

Маълумки, ўзининг салбий таъсири билан инсониятга жиддий ташвишлар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар

⁸ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади.

Бу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди.

Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашувига ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиши сабабларини қуйидаги тарзда кенг асослаб берди: “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди.

Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида,

кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»⁹.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”¹⁰, деб хулоса чиқарган эди. Бундай ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар “... давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди. Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда,

⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

¹⁰ Ўша манба, 6-б.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012, 6-7-б.

Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди”¹².

Бюджет ўзининг асл моҳиятига кўра иқтисодий категория бўлиб, давлатнинг молиявий манбаларини, марказий жамғармаларини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатлар йиғиндисини англатади. Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий – иқтисодий тизими, шунингдек, давлат қурилишини акс эттиради. Давлат бюджетини шакллантиришда муайян пул муомаласи пайдр бўладик, бунда корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли тўлайдиган солиқлар ҳамда солиқсиз тўловлар анна шундай муомала шакли сифатида юзага келади.

Давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришига, ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишига имкон берадиган қурол, дастаклардан бири – давлат бюджетидир.

Бюджет – бу давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шаклидир¹³.

Давлат бюджетининг моҳиятини қуйидаги таърифларда янада ойдинлаштириш мумкин:

1) Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун

¹² И.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

¹³ Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, ТФИ, Тошкент 2002 йил.

ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

2) Бюджет иқтисодий категория сифатида ўзининг тегишли моддий ифодасига эга бўлади. Бюджет муносабатлари давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасида моддийлашади. Бу жамғарма тақсим қилиниши сабабли унинг шаклланиши ва сарфланиши қиймат ҳаракати орқали ифода этилади. Бу жараён давлат томонидан йиғиладиган ва сарфланадиган пул ресурслари оқимлари кўринишига эга бўлади;

3) Ўз иқтисодий моҳиятига кўра давлат бюджети – бу иқтисодиёт, ижтимоий-маданий тадбирлар, мудофаа ва давлат бошқаруви эҳтиёжларини молиялашга мўлжалланган бюджет жамғармасини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларида миллий даромадни қисман миллий бойликни ҳам қайта тақсимлаш борасида давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган пул муносабатларидир;

4) Давлат бюджети – молиявий режалар тизимида етакчи ўринда туради ва давлатнинг асосий молия режаси ҳисобланади;

5) Давлат бюджети – молия тизимининг барча асосий молия институтлари – даромадлар, харажатлар, давлат қарзлари бирлашадиган ва ўзаро боғланадиган марказий буғини ҳисобланади;

6) Давлат бюджети – давлатнинг солиқлар ёрдамида жамланадиган энг йирик марказлаштирилган пул жамғармасидир. Давлат бюджети давлат томонидан ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириш йўлида сарфланади. Тасдиқланган бюджет қонун кучига эга.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро

муносабатларни ўзида ифодалайди¹⁴.



1.1-расм. Давлат бюджети тузилмаси

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда амалга оширилади.

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги Қонуни. 14.02.2000.

- Давлат бюджети баланслилиги;
- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;
- Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Асосий молия режаси бўлган давлат бюджети ҳокимият органларига ўзларининг ҳуқуқий ваколатларини амалга ошириш учун реал иқтисодий имкониятлар беради. Бюджет давлат учун зарур бўлган молия ресурслари миқдорини акс эттиради ва шунга қараб мамлакатдаги солиқ сиёсати белгиланади. Бюджет маблағларининг сарф этилиши, миллий даромадни ва ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашдаги аниқ йўналишларни акс эттиради ва натижада у иқтисодиётнинг самарали дастаги бўлиш имкониятларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;
- республика бюджети харажатларини амалга оширади;
- бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказди;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади¹⁵.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги Қонуни. 14.02.2000.

Бюджет хилма-хил муносабатларга дахлдор категориядир. Унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлатнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқ. Давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини таъминлаш воситаларидан бири ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсат ўтказишнинг муҳим унсури тарзида фойдаланади¹⁶.

Давлат бюджети молия режаси тарзида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бюджет жамғармасини ташкил қилиш;
- харажатларни бюджет жамғармасидан молиялаш;
- бюджет сиёсатининг стратегик вазифалари.

а) бюджет жамғармасини ташкил қилиш – бюджет даромадларининг вазифаси бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар даромадларидан солиқлар, қарзлар, давлат мулкидан келадиган даромадларни ўз ичига олади;

б) давлат умумий хўжалик юритувчи субъекти тимсолида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа барча иштирокчилари иқтисодий манфаатларини ҳисобга олади, шу сабабдан ҳам бюджет харажатлари жами иқтисодиётни қамрайди.

Иқтисодиётда макроиқтисодий мутаносибликларни сақлаш эҳтиёжлари хўжаликнинг айрим тармоқларини, ноишлаб чиқариш соҳаларини, иқтисодий минтақалар (маъмурий-ҳуқуқий тузилмалар) турли мулкчилик шакллари, айрим хўжалик юритувчи субъектларни бюджетдан молиялашни талаб қилади;

в) бюджет сиёсатининг стратегик вазифалари:

- иқтисодиётга инвестицияларни кўпайтириш;
- ресурсларни мақсадга мувофиқ ва самарали тақсимлаш;
- ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- инфляция суръатларини пасайтириш;

¹⁶ Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, ТФИ, Тошкент 2002 йил.

- бюджет тақчиллигини қисқартириш¹⁷.

Иқтисодий категория бўлган бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади, демак, уларга пул шакли ва молиянинг асосий вазифалари хос.

Бюджет қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ЯИМни қайта тақсимлаш;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- бюджет соҳасининг молия таъминоти ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш.

Бюджетнинг тақсимотчилик функцияси давлат ва ҳудудий ҳокимият ҳамда бошқарув даражалари бўйича марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш орқали юзага чиқади. Давлат бюджети ёрдамида тармоқлар ва минтақаларни қўллаб-қувватлаш ёки ривожлантиришга бюджет маблағларини йўллаган ҳолда мамлакатнинг хўжалик ҳаётини, иқтисодий муносабатларни бошқаради¹⁸.

Иқтисодий муносабатларни бошқарадиган давлат ишлаб чиқариш суръатларини мақсадга мувофиқ кучайтириши ёки сусайтириши, капиталлар ва хусусий жамғармалар ўсишини тезлатиши ёки секинлатиши, талаб ва истеъмол тузилмасини ўзгартириши мумкин.

ЯИМ ни бюджет воситасида қайта тақсимлаш ўзаро боғлиқ бўлган ва, айтиб бериш пайтда, узлуксиз кечадиган икки босқичдан иборат:

- 1) бюджет даромадларини шакллантириш;
- 2) бюджет маблағларини сарф қилиш.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги Қонуни. 14.02.2000.

¹⁸ Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, ТФИ, Тошкент 2002 йил.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ЯИМнинг бир қисмини давлат фойдасига мажбурий олиш юз беради. Давлатнинг солиқ тўловчилар билан молиявий муносабатлари шу негизда юзага келади.

Иқтисодий ўсишини рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат юритиш масаласи марказий ўринга эга бўлмоқда. Шу билан бир каторда умумий иқтисодий мунозана ташминлашга йўналтирилган яхлит давлат сиёсати билан боғлиқ муаммолар ҳам айнан давлатнинг фискал сиёсати инструментларига боғлиқ бўлмоқда.

Ривожлаган мамлакатларда кузатилаётган молиявий иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганлигига қармасдан Республикамизда кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсиш сураётларининг таъминланишида олиб борилаётган изчил бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти ҳолат юксакдир. Буни ўз навбатида кейинги йилларда кзатилаётган бюджет профицити, режалаштирилган давлат бюджети даромад кўрсаткичларининг орттириб бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзили ва мақсадли сарфланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Жамланма бюджет даромадларининг асосий параметрлари

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами марказлашган жамғармалар таркибида мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2013 йилда 69,4%ни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Бу ўз навбатида давлат фискал сиёсатида мақсадли фондларсиз давлат бюджети марказий ўринга эгалигини тасдиқлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳам аҳамият юқори бўлмоқда. Бу улар даромадларини шаклланиш кўламида яққол намоён бўлади.

Хусусан, мақсадли жамғармалар даромадлари 2012 йилда 10499,8 млрд. сўмга режалаштирилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткич 13571,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни самарли ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғарманинг даромадлари 2012 йилда 210,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу жамғарманинг даромадлари 227,5 млрд. сўмни режалаштирилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислохотларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Унинг даромадларини сўмдаги эквиваленти 2013 йилда 2618,5 млрд. сўмни ташкил этилиши кўзда тутилган.

Агар мақсадли фондларсиз давлат бюджетининг даромадлари 2012 йилда 20614, 1 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўсаткич 25104,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ тизими алоҳида аҳамият касб этади. Бунини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (1.2-жадвал).

**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тўғрисида
маълумот¹⁹**

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йил жамига нисбатан % да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	5196,4	6853,1	27,3
Билвосита солиқлар	11187,8	13039,4	51,9
Ресурс солиқлари	2746,4	3755,5	14,9
Бошқа даромадлар	1483,5	1456,9	5,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг таркибий таҳлилидан кўринадики, билвосита солиқлардан бюджетга режалаштирилган тушум 2012 йилда 11187,8 млрд. сўм бўлса, 2013 йилга келиб 13039,4 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Жами бюджет даромадларидаги салмоғи 51,9%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу ҳолат шунини тасдиқлайдики, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларнинг фискал аҳамияти юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

¹⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.

1.3-жадвал**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатлари тўғрисида
маълумот**

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил	
	млрд.сўм	%да	млрд.сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	21571	100	26312	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	12513	58	15573	59,2
Иқтисодиётга харажатлар	2372	11,0	2791	10,6
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1059	4,9	1300	4,9
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	629	2,9	825	3,1
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	191	0,9	287	1,1
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	70	0,3	85	0,3
Бошқа харажатлар	4735	21,2	5448	20,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.


Маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2012 йилда 12513 млрд. сўмга режалаштирилиб, жами бюджет харажатларида 58% ни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 15573 млрд. сўм ҳажмида режалаштирилган ва унинг жами бюджет харажатлардаги улуши 59,2% ни ташкил этиши кўзда тутилган.

Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар, биринчидан, номинал мазмунда ва шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг таркиби қуйидаги диаграммада келтирилган.

Қуйидаги диаграммадан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркибида 8984,6 млрд. сўм ҳажмдаги маблағлар таълимга сарфланишга режалаштирилган бўлиб, асосий салмоқни ташкил этган. Қишлоқ жойларда индивидуал

уйлар қуришни ҳамкорликда молиялаштиришга 374,7 млрд. сўм миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг турмуш фаровонлигини ва даромадларини изчил ошириб бориш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу соҳадаги ислохотлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, жами давлат бюджетидан 1839,9 млрд. сўм ҳажмида маблағ ажратилиши режалаштирилган.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1.2-расм. 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркиби²⁰

2012 йилда ҳам бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш давом эттирилиб, иш ҳақини инфляция даражасидан юқори бўлган миқдорларда ошириш ва ушбу тадбирлар учун Давлат бюджетидан 1,3 трлн.сўм маблағ ажратилди. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини биринчи разряд миқдорида белгилаш амалга оширилди.

Иқтисодиётга қилинган харажатлар 2013 йилда 10,6% ни ташкил этиши кўзда тутилган. 2012 йилга нисбатан жамига нисбатан фоизда камайиш кузатилаётган бўлса-да, номинал мазмунда ушбу соҳага қилинган

²⁰Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.


харажатлар ортиб борган. Бу ўз навбатида давлат бюджетига кучли ижтимоий сиёсатни реализация қилиш билан боғлиқ залворли юкнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда давлат молиясининг аҳамияти юқори бўлаётганлигидан далолат беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари сақлаш харажатлари жами харажатлар таркибида 2012 йилда 3,1% ни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 3,1% ни ташкил этиши кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари 2013 йилда жами бюджет харажатларининг 1,1% ини ташкил этаётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида давлат бошқаруви тизимида маҳалла институтларининг ролини ошириш, уларнинг моддий техник азасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркибий таҳлилига асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳонда глобал масштабда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишига йўналтирилмоқда.

Мамлакатмизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик муҳим бегиларидан бири давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда давлат бюджети тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, солиқлар бўйича

прогноз кўрсаткичларни ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети харажатларини манзили ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида бюджет профицит билан ижро этилмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



**1.3-расм. 2009-2012 йилларга давлат бюджетининг ҳолати
тўғрисида маълумот²¹**

Давлат бюджети 2009 йилда ЯИМга нисбатан 0,2 %лик профицит билан ижро этилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,4%ни ташкил этган. Бунда, даромад тушумари бўйича режа кўрсаткичларини оширилиб бажарилаётганлиги ва шунингдек, бюджет ижросининг ғазначилик тизимининг самарали фаолияти натижасида бюджет маблағларини максимал даражада иқтисод қилинаётганиги муҳим ўрин эгаллайди.

2012 йилда давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича исоҳотлар давом эттирилди. Хусусан, 2012 йилда барча даражадаги ҳудудий ғазна ҳисоб варақлари ўрнига ягона ғазна ҳисоб варағи жорий этилди. Бу ўз навбатида давлат молияси тизимидаги барқарорликни таъминланишига таъсир этувчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

²¹Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

1.2. Давлат харидини амалга оширишнинг илмий-амалий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005-йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди. 2011-йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010-йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000-йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди²².

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб ижтимоий йўналтирилиган бозор иқтисодиёти сари ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Давлат молияси соҳасидаги ислохотлар натижасида давлат молиясини бошқаришнинг янги ҳуқуқий тизими шакллантирилмоқда. Бу ўз навбатида, давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга, унинг замонавий механизмларини амалда татбиқ этишга имкон беради. Халқаро миқёсида юзага келган янги иқтисодий вазият, давлат маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга оширишда ҳукуматлар олдида қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини оширмоқда.

Маълумки, давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга ҳамда ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариш,

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ: Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Мазкур Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ давлат бюджети харажатлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
2. Жорий бюджет трансфертлари шаклида;
3. Капитал харажатлар шаклида:
 - асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ҳамда такрор ишлаб чиқаришга;
 - чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;
 - давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий
 - активларни олишга;
 - давлат захираларини вужудга келтиришга;
4. Капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;
5. Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;
6. Давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;
7. Давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

8. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида Давлат хариди алоҳида ўринга эга. Товар ва хизматларни харид этиш жаҳон ривожланиш амалиётида муҳим ўрин эгаллайди ҳамда фондлар ва инвестицияни самарали ўзлаштиришга йўналтирилган узлуксиз жараён ҳисобланади. Ўзбек тилидаги “харид” термини (инглизчада, procurement - прокюрмент) “сотиб олиш” маъноси билан бир хилда ишлатилиб, замонвий тушунчаларда маҳсулотларни, бажарилган ишларни ёки кўрсатилган хизматларни маълум ҳақ эвазига олиш (инглизчада, procurement of goods, works and services) демакдир.

Давлат хариди - бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир. Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин²³:

➤ иқтисодий инфратузилма (транспорт, коммунал хизматлар, кундалик иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи бўлган инфратузилмалар);

➤ ижтимоий инфратузилма (мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, қамоқхоналар ёки бошқача айтганда, жамият кундалик ҳаёти учун бирламчи инфратузилмалар).

Ижтимоий соҳаларга Давлат харидини амалга ошириш зарурати умумжамят манфаатларидан келиб чиқади. Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларга инвестициялар ва давлат хариди мавжуд қонуний-меъёрий актлар орқали тартибга солинади.

Давлат молиясини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатида, давлат харидини ташкил этишни тубдан ислоҳ этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани

²³ У.Бурханов. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. Тошкент.: 2010.160-бет.

шакллантириш, давлат харажатлари самрадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат харидининг ҳажми ЯИМ нинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМни шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шунининг оқибати, давлат харидини амалга ошириш соҳасида олиб борилган оқилона сиёсат макроиқтисодий сиёсатга жиддий таъсир этувчи инструмент сифатида юзага чиқади.

Давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали, ўша соҳалар ривожига ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсир этади:

- очик тендерларни эълон қилиш орқали рақобатни ривожлантиришга таъсир этади;
- сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза
- талабларига тенглаштириш орқали, миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиши мумкин;
- кичик бизнес вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ҳамда хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш орқали, кичик бизнесни ва рақобатни ривожлантиришга таъсир этиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларга фақатгина мамлакат даражасида давлат харидини бошқаришнинг самарали механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати давлат хариди инструментида турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Масалан, ўрта махсус таълим тизимидаги ислохотлар нафақат ўқув бинолари сонини ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта тўртки берди. 2000 йиллар бошида қурилиш компаниялари ночор аҳволда бўлган бўлсалар, ҳозир улар қурилиш-монтаж ва лойиҳаларнинг турли-

туманлиги ва сифат бўйича хорижий компаниялар билан рақобат қила оладилар. Шунинг билан бир вақтда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг турлари ҳам кенгайди. Капитал қурилиш соҳасига давлат буюртмаси аҳоли бандлиги оширишда ҳам муҳим роль ўйнади. Худди шундай мисолни мебель ишлаб чиқариш саноатига нисбатан ҳам келтириб ўтиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида давлат харидининг субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Давлат буюртмачилари:

Бюджет маблағларини олувчилар ва бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фондлар маблағларини тақсимловчилар:

- бюджет маблағлари олувчи ташкилотлар;
- бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг ижроий дирекциялари;
- Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги ягона буюртмачи хизмати;
- ҳукумат кафолати остида халқаро грант ва қарз олган ҳамда ушбу маблағлар ҳисобидан давлат харидини амалга ошираётган ташкилотлар;
- давлат мулки иштирокида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари.

2. Ташқи назорат органлари (Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси);

3. Ҳукумат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси);

4. Давлат ва хўжалик бошқарув органлари (назоратни ташкил этувчи органлар) га қуйидагилар киради:


1. Молия вазирлиги;
2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги;
3. Давархитекқурилиш;
5. Товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар:

- Товарлар (хизматлар, ишлар) етказиб берувчи хўжалик субъектлари;

6. Харидни ташкил этиш жараёнига кўмаклашувчи ташкилотлар:

- хизмат кўрсатувчи банклар;
- транспорт-экспедиторлик компаниялари;
- маслаҳат ва экспертиза ҳамда бошқа ташкилотлар;
- мавжуд конунчилик асосида эксперт баҳолаш хизматини амалга

оширувчи бошқа ташкилотлар.



1.4-расм. Давлат харидининг турли соҳалар ривoji ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсири ва унинг хос хусусиятлари²⁴

Давлат харидининг асоси бўлиб, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар ҳисобланади.

²⁴ Манба муаллиф тадқиқотлари асосида қайта ишлаб чиқилган.

Европа мамлакатларида давлат харидини товарлар, ишлар ва хизматларга ажратиш бўйича ЮНСИТРАЛ томонидан таклиф этилган таснифлашга асосан:

- Товарларга - хом-ашё, буюм, ускуналар, қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги предметлар, электр энергияси, шунингдек, товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар қиймати (агар у товарнинг баҳосидан юқори бўлмаса) киритилади.

- Ишлар деганда – қурилиш, таъмирлаш, бинони, иншоот ва объектларни бузиш ёки таъмирлаш билан боғлиқ фаолият турлари, шунингдек, гурунтларни қазиш, янгидан қуриш, жихозлаш, монтаж учун қурилиш майдонларини тайёрлаш ва бошқа қурилиш ишлари (масалан, геодезия, бурғалаш бўйича ишлар, аэро ва сунъий йўлдош орқали суръатга олиш, сейсмик тадқиқотлар ўтказиш (агар ушбу хизматлар баҳоси асосий иш баҳосидан юқори бўлмаса) тушунилади.


Хизматлар деб эса – товар ва ишларга тааллуқли бўлмаган барча харид предмети тушунилади. Хариднинг турли категориялари бўйича харидни қонуний тартибга солиш (ғолибни аниқлашда тендер шартлари ва усулларида фойдаланиш) турлича бўлади. Давлат харидини ташкил этиш бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, қуйидаги 1.5-чизмадан унинг турли моделлари мавжуд эканлигини кўриш мумкин. (United Nations Commission on International Trade Law) –Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси.

1966 йилда БМТ нинг халқаро савдо ҳуқуқини ягоналаштириш бўйича қарори асосида ташкил этилган. 36 та давлат вакилларида иборат (14 та Европа ва бошқа давлатлар, 16 та Афро-Осиё ва 6 та Лотин Америкаси давлатлари).

Давлат харидини ташкил этиш моделлари. Марказлашган модел – бунда харид учун буюртмаларни жойлаштириш махсус ташкилот ёки ижроий ҳукуматнинг ягона таркибий бўлинмаси - харидни ташкил этувчи томонидан амалга оширилади.

Марказлашган модел барча тармоқ ва бўлимлардан тушадиган харид аризалари жамланадиган харид марказини ташкил этишни назарда тутди. Агар марказлашиш даражаси юқори бўлса, барча турдаги харидга жавобгар бўлган махсус идора (ёки йирик компанияларда харид департаменти) шакллантирилади.

Марказлашмаган (тақсимланган) модел - бунда давлатнинг буюртмачиси ўз ихтисослиги буйича харидга буюртмани алоҳида амалга оширади.



1.5. расм. Давлат харидини ташкил этиш моделлари ва унинг аҳамияти

1.5-расмда кўриш мумкинки, тақсимланган моделда компаниянинг ҳар бир бўлими (вазирлик, департамент ва ҳоказолар) ўз эҳтиёжлари учун харидни мустақил тарзда амалга оширади. Шу мақсадда, унинг таркибида харидни амалга оширувчи махсус тузилма, бўлим ташкил этилган.

Иккала моделнинг ҳам ютуқ ва камчиликлари мавжуд: тақсимланган модел анча эгилувчан, аммо кўп харажат талаб этади. Ўз навбатида, марказлашган модел йирик ҳажмдаги улгуржи харид туфайли паст баҳоларни таъминлайди, аммо эгилувчан эмас ва ҳар доим ҳам товарлар ҳамда Давлат харидини ташкил этиш моделлари марказлашган

марказлашмаган қисман марказлашган хизматларнинг аризада кўрсатилган хусусиятларини ўзида акс эттирмаслиги мумкин.

Қисман марказлашган моделда эса, харидга буюртмани жойлаштириш ваколати давлат буюртмачиси ва ихтисослашган ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳар қандай мамлакатда ҳам, давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни доимий тарзда такомиллаштириб бориш, давлат молия тизимининг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланади.

1.4-жадвал

Давлат харидини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Давлат харидини амалга оширишда қонунчиликнинг норматив ҳужжатлари
1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни; 2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни; 3. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида” ги Қонуни; 4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси: 4 параграф. Давлат шартномалари асосида товарлар етказиб бериш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари: 1. 2003 йил 3 июлдаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302 –сонли қарори; 2. 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 456-сонли қарори; 3. “2000 йил давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган озиқ-овқат асосий турлари тўғрисида” ва унга илова қилинган “Ижтимоий соҳа ташкилотлари, махсус истеъмолчилар ва давлат захираси учун асосий озиқ-овқат билан таъминлаш тартиби”. 4. 1997 йил 26 сентябрдаги “Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат етказиб беришни танлов асосида ташкил этиш тўғрисида” қарори ; 5. 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарорга илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисида” низоми; 6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йилнинг 5 майдаги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом”; 7. 1997 йил 14 августдаги “Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини сотиб олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 397-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- 2009 йил 16 сентябрда рўйхатган олинган 2007-сонли “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”;
- 2009 йил 16 апрелда рўйхатган олинган 1941-сонли “Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг ғазна ижроси тартиби ҳақида низом”;
- 2009 йил 19 майда рўйхатган олинган 1969-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг тармоқ, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш ҳақида” буйруғи;
- 2007 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтган 1746-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисоб варақларини юритиш қоидалари”;
- 2000 йил 5 августда рўйхатдан ўтган 305-сонли “Ҳукумат кафолати остида ва давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектлари учун, буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан сотиб олинадиган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг максимал нархларини ўрнатиш тартиби бўйича йўриқнома” ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида “Давлат хариди тўғрисида” Қонун қабул қилинмаган. Ўзбекистонда давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, хусусан, “Давлат хариди тўғрисида” ги Қонунни қабул қилишнинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- давлат харидини ташкил этишда маълумотлар очиқ-ойдинлигини таъминлаш;

➤ давлат харидини амалга оширувчи давлат субъектлари ваколатларини тартибга солиш;

➤ харидни режалаштириш ва тартибга солиш;

➤ мол етказиб берувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

➤ тендер асосида савдоларда харид механизмларини тартибга солиш;

➤ бошқа муаммолар.

“Давлат хариди тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши билан қуйидаги долзарб масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш имконияти юзага келади:

✓ Ўзбекистон Республикасида давлат харидини амалга оширишнинг ягона ҳуқуқий асосини шакллантириш;

✓ тартибга солиш соҳасини аниқ белгилаб олиш;

✓ Ҳукумат ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий ваколатларини аниқ тартибга солиш;

✓ харид турлари ва уни ташкил этишнинг барча жараёнларини тартибга солиш;

✓ давлат буюртмачиларининг ваколатлари ва мажбуриятларини аниқлаштириш;

✓ харид усули, қарор қабул қилиш, у ёки бу механизмни танлаш шартларини аниқлаштириш;

✓ давлат буюртмачисининг шартнома муддатлари ва молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширмаган ҳоллардаги мажбуриятларини тартибга солиш;

✓ шартномаларни тузиш шартларини, шунингдек, шартномада акс эттирилиши лозим бўлган мажбурий меъёрлар, шартлар ва йўриқларни ўрнатиш;

✓ тендер ёлиби билан қайси ҳолларда шартнома бекор қилиниши тартибларини белгилаш;

✓ харид этувчининг ваколатли органлар олдидаги масъулияти ва айрим ҳолларда, жамоат олдида ҳисоб беришини тартибга солиш.

I боб бўйича хулоса

Бюджет ўзининг асл моҳиятига кўра иқтисодий категория бўлиб, давлатнинг молиявий манбаларини, марказий жамғармаларини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатлар йиғиндисини англатади. Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Асосий молия режаси бўлган давлат бюджети ҳокимият органларига ўзларининг ҳуқуқий ваколатларини амалга ошириш учун реал иқтисодий имкониятлар беради. Бюджет давлат учун зарур бўлган молия ресурслари миқдорини акс эттиради ва шунга қараб мамлакатдаги солиқ сиёсати белгиланади.

Иқтисодиётда макроиқтисодий мутаносибликларни сақлаш эҳтиёжлари хўжаликнинг айрим тармоқларини, ноишлаб чиқариш соҳаларини, иқтисодий минтақалар (маъмурий-ҳуқуқий тузилмалар) турли мулкчилик шаклларини, айрим хўжалик юритувчи субъектларни бюджетдан молиялашни талаб қилади.

Давлат хариди - бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир. Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати давлат хариди инструментида турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Ўрта махсус таълим тизимидаги ислохотлар нафақат ўқув бинолари сонини ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта тўртки беради.


II Боб. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил

этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили

2.1. Қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулот этиштириш ва нарх белгилаш

механизмининг амалдаги ҳолати

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг республикамиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди (2.1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида

ўсиш динамикаси, фоизда

2.1-расмдан кўринадикки, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди.

Бироқ, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат

натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминламоқда.

Мазкур омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 трлн. сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2.1-жадвалдан кўринадик, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди²⁵.

Мамлакатимизда инфляцияга қарши самарали ва изчил чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2012 йилда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлар доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди (2.2-расм).



2.2-расм. Ўзбекистонда 2012 йилда нархлар ўзгаришининг инфляцияга таъсири, фоиз.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари(2007-2012 йиллар).

Жумладан, ўтган йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истеъмол нархлари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди²⁶.

Хусусан, жуда мураккаб кечган 2012 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадлари унинг харажатларидан ортиш ҳажми ЯИМ нинг 0,4 фоизи даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

2012 йилда ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Ўтган йилда эришилган муҳим ижобий натижалар қаторида Президентимиз ташқи қарз даражасининг пастлигига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: “Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз

²⁶ Манба: ЎзР Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани бунини исботлаб бермоқда”²⁷.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамадан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

²⁷ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

Республикаимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

2.3-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (% да)

Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, деҳқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятларимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир²⁸.

²⁸ Президент Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 19.01.2013 й.

Ўтган 2005-2012 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ўсиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилдаги 105,4 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 107,0 % га тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 % дан 2012 йилда 17,5 % га пасайиши ижобий ҳолдир. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади.


Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 1990-2011 йиллар оралиғида дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробарга, узум 1,3 баробардан ортиқ, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2 баробардан ортиқ ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизни далили сифатида юзага чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлди. Хусусан, 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 % га, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2

центнерга ёки 218,8 %га, картошка ҳосилдорлиги 80,0 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 %га, сабзавотлар ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 %га ва полиз ҳосилдорлиги 115,0 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 % га ошган.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

2.4-расм. Республика бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариши динамикаси, ц/га

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобига аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда меърга нисбатан етиштирилган маҳсулот ҳажми мевада 42,6 %ни, узумда 93,8 %ни, картошкада 29,8 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу

кўрсаткич мевада 119,7 %ни, узумда 156,3 %ни, сабзавотда 229,2 %ни, картошкада 135,4 %ни ва полизда 245,1 ни ташкил этди. 2012 йилда 1991 йилга нисбатан мева ишлаб чиқариш ҳажми 281,2 %га, узум 166,7 %га, сабзавот 186,9 %га ва картошка 453,6 %га ошганлиги бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини тасдиқлайди (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, кг	Ҳақиқатда, кг		1991 йилда меъёрга нисбатан, %да	2012 йилда	
		1991 йилда	2012 йилда		меъёрга нисбатан, %да	1991 йилга нисбатан, %да
Мева	56,4	24,0	67,5	42,6	119,7	281,2
Узум	25,6	24,0	40,0	93,8	156,3	166,7
Сабзавот	113,0	138,6	259,0	122,6	229,2	186,9
Картошка	50,6	15,1	68,5	29,8	135,4	453,6
Полиз	19,3	39,0	47,3	202,1	245,1	121,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
маълумотлари асосида тайёрланган.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикамізда асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори ҳам барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш (сўйилган вазнда) 36,7 кг.ни (талабга нисбатан 91,8 %), сут 247,5 кг.ни (талабга нисбатан 176,8 %), тухум 131 донани (талабга нисбатан 108,4 %) ташкил этди²⁹.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

2.3-жадвал

Мамлакат ҳудудлари бўйича 2012 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Т/р	Ҳудудлар номи	Ўлчов бирлиги (млрд сўм)	2011 йилга нисбатан ўсиш даражаси (%)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	737.7	113.2
2.	Андижон вилояти	2426.1	107.6
3.	Бухоро вилояти	2137.9	106.3
4.	Жиззах вилояти	1225.6	106.8
5.	Навоий вилояти	1107.6	106.8
6.	Наманган вилояти	1836.4	107.0
7.	Самарқанд вилояти	3110.1	106.1
8.	Сирдарё вилояти	929.4	106.6
9.	Сурхондарё вилояти	2012.3	107.1
10.	Тошкент вилояти	3253.9	106.7
11.	Фарғона вилояти	1995.1	106.2
12.	Хоразм вилояти	1486.8	108.5
13.	Қашқадарё вилояти	2111.4	107.3
Республика бўйича:		24370.3	107.0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

маълумотлари асосида тайёрланган.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маълумотларига кўра 2003-2012 йиллар оралиғида республикада давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати йилдан йилга ортиб бормоқда.

2.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва давлат харидини ташкил этиш ва унга таъсир этувчи омиллар

Фермер хўжаликларининг давлат билан иқтисодий муносабатлари давлат буюртмаси асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун давлат буюртмаси деҳқон учун фойдали бўлиб, давлат харид баҳолари энг муҳими қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қисми учун белгиланадиган давлат харид нархлари рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши ва корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб маълум бир миқдордаги фойда кўришига имкон яратиши лозим.

Давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган қишлоқ хўжалик, маҳсулотлари-пахта ва ғалла (буғдой дони), шоли учун қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат буюртмалари беради.

Давлат буюртмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли фармони билан ташкил этилган “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат буюртмаси ҳажми туман ҳокимиятлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан ҳар бир хўжаликнинг ер майдони балл бонитетидан келиб чиқиб белгиланадиган ҳосилдорликдан белгиланади.

Давлат буюртмалари фермер хўжаликлари билан тузиладиган шартномалар орқали расмийлаштирилади. Шартномани давлат томонидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб жамғармаси” нинг тижорат агентлари ҳисобланадиган субъектлар:

- ғалла бўйича “Ўздонмаҳсулот” Давлат Акциядорлик жамиятининг жойларидаги бўлинмалари;

- пахта бўйича “Ўзпахтасаноатсотиш” Ассоциациясининг туманлардаги пахта тозалаш заводлари орқали расмийлаштириладилар.

Жамғарма, шунингдек давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи хўжаликларини ўз вақтида молиялаштириш учун “Агробанк” ОАТБ ни молия агенти сифатида ёллади.

Тадқиқотимизни Фарғона вилоятида жойлашган “Усмон хожи ота” фермер хўжалиги фаолиятини қисман ўрганишга ҳаракат қилдик, яъни давлатга пахта ва ғалла сотиш ҳолатини таҳлил қилишга қаратган ҳолда хўжаликнингнинг “Ўздонмаҳсулот” ДАК билан тузилган бугдой дони етказиб бериш шартномасига мувофиқ (2011 йил 30 октябрдаги 126–сонли) фермер хўжалиги 2011 йилда жами 20 гектар ердан 50 центнерга ҳосилдорликда жами 100,0 тонна ғалла етиштириш ва унинг 50,0 тоннасини 206 000 сўм/тонна баҳода давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериш мажбуриятини олган (2.4-жадвал).

Ғаллани эркин сотишда режалаштирилган нарх бир тоннасига 350 000 сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Шунга эътиборни қаратиш лозимки, давлат буюртмаси ва эркин сотиш бўйича харид нархларнинг кескин фарқланиши хўжаликнинг молиявий натижаларига катта таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, давлат буюртмаси бўйича ғалла сотганда сотиш рентабеллиги 5,6 %ни, эркин сотишда эса 79,5 % ни ташкил этиши режалаштирилган.

2.4-жадвал маълумотларини таҳлил этиб шундай хилоса чиқариш мумкинки, давлат буюртмаси асосида харид этиладиган маҳсулотларга давлат харид нархлари 2011 йилда эркин бозор нархларидан деярли 1,7 марта паст бўлмоқда ва бу фермер хўжалигининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

“Усмон хожи ота” фермер хўжалигининг 2009 йил 4 ноябрдаги Фарғона пахта тозалаш ОАЖ билан тузган 195-сонли шартномасига кўра хўжалик режалаштирилган 31,5 гектар ердан жами 94,5 тона пахта хом-ашёси етказиб бериш мажбуриятини олган ва ҳар бир тоннасини 502 550 сўмдан сотиш мажбуриятини олган. Бунда пахта сотишдан 47490,97 минг

сўмлик ялпи пул тушуми, 7 328,47 минг сўмлик ялпи фойда олиш ва 18,2 % рентабелликка эришиш режалаштирилган (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

**“Усмон хожи ота” фермер хўжалигининг давлат эҳтиёжлари бўйича
ва эркин шартномавий нархларда маҳсулот сотишдан оладиган
молиявий натижалари режаси**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й.
Ғалла сотиш бўйича:			
1..	Экин майдони	га	20
2.	Ҳосилдорлик	ц/га	50
3.	Шартнома бўйича етиштириш режалаш- тирилган: жами: ш.ж. - давлат буюртмаси; - эркин сотиш.	тонна тонна тонна	100,0 50,0 50,0
4.	Сотиш нархи: - давлат харид нархи; - эркин нарх.	сўм/тонна сўм/тонна	206 000 350 000
5.	Янги пул тушими, ш.ж. - давлат буюртмасидан - эркин сотишдан.	минг сўм минг сўм минг сўм	27 800,0 10 300,0 17 500,0
6.	Режалаштирилган ишлаб чиқариш харажат-лари, жами - бир тоннасига.	минг сўм сўм/тонна	19 500,0 195 000
7.	Сотишдан ялпи фойда: жами - давлат буюртмаси бўйича сотишдан; - эркин сотишдан.	минг сўм минг сўм минг сўм	8 300,0 550,0 7 750,0
8.	Сотилган маҳсулот рентабеллиги, жами - давлат буюртмаси бўйича сотишдан; - эркин сотишдан.	% % %	42,1 5,6 79,5
Пахта сотиш бўйича:			
1.	Экин майдони	га	31,5
2.	Режалаштирилган ҳосилдорлик	ц/га	30,0
3.	Давлат буюртмаси бўйича етиштириш режалаштирилган (100 %):	тонна	94,5
4.	Сотиш нархи: - давлат харид нархи;	сўм/тонна	502 550
5.	Янги пул тушими	минг сўм	47 490,97
6.	Режалаштирилган ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	40 162,5
7.	Сотишдан ялпи фойда	минг сўм	7 328,47
8.	Сотилган маҳсулот рентабеллиги,	%	18,2

Манба: “Усмон хожи ота” фермер хўжалигининг маълумотлари асосида муаллиф
ҳисоб-китоблари.

Давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи хўжаликларга
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлида 2005 йилнинг 11 августида

1508-рақам билан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом” га асосан имтиёзли кредитлар ажратилади.

Мазкур низомга асосан фермер хўжаликлари учун молия Вазирлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган агротехкарталаридан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини бўйича харажатларининг энг кўп меъёри ҳар йилга ҳосил учун тасдиқланади, кредит ушбу меъёрлар доирасида ажратиб борилиши лозим. Фермер хўжалигининг бирор-бир харажат тури бўйича эҳтиёжи булмаган тақдирда, маблағлар бошқа рухсат этилган эҳтиёжлар учун ишлатилиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан ушбу кредитлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида берилади.

Корхона маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо даражасини белгилашда тадбиркорлар ўзаро боғлиқликда амал қилувчи баҳолар тизими ва уларнинг турларини яхши билиши керак. Баҳолар тизимини уларнинг маълум бир хусусиятларига мувофиқ туркумларга ажратиш қабул қилинган. Товар айланмаси ва хизмат кўрсатиш ҳажмига кўра:

- ишлаб чиқариш баҳоси – ишлаб чиқарувчи томонидан катта ҳажмдаги маҳсулотларни буюртма бўйича корхоналарга ва улгуржи савдо ташкилотларига сотиш нархларидан ташкил топади. Бу баҳо маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи ва уни сотиш билан боғлиқ (шу жумладан, тегишли бошқарув харажатлари) давр харажатларига тегишли фойда миқдорини қўшиб ҳисобланади;

Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳо тизими	
	Эркин (шартномавий) баҳолар – ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида ўзаро манфаатдорлик асосида талаб ва таклифдан келиб чикиб ўрнатилади.
	Тартибга солинадиган баҳолар – даражаси, ўсиш суръатлари ва ҳисоблаш тартиби давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолар.
	Улгуржи баҳолар – ишлаб чиқарувчи томонидан катта ҳажмдаги маҳсулотларни буюртма бўйича сотиш нархларидан ташкил топади.
	Чакана нархлар - ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулотларни чакана савдо тармоқлари орқали сотиш нархларидан ташкил топади.
	Харид нархлари – давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларга давлат томонидан ўрнатилган нарх.
	Кафолатланган баҳолар – давлат томонидан фермерларни ҳимоялаш мақсадида маҳсулотларнинг бозор нархи таннарх даражасидан пастга тушган ҳолатларда минимал даромад кўришга имкон берадиган нархларда давлат захиралари учун сотиб олиш нархларидан ташкил топади.
	Таққослама баҳолар – бир неча йиллар давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш динамикасини ўлчаш ҳамда уларни таққослама ҳолда солиштириш мақсадида қўлланиладиган нархлар (давлат томонидан ўрнатилади).
	Гаров баҳоси – маҳсулотни гаров остида сотиб олишда қўлланиладиган нархлар.
	Базис баҳоси – келгусида етказиб бериладиган маҳсулотни фьючерс шартномаси бўйича сотиб олишда қўлланиладиган нархлар.

2.5-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларининг турлари ва моҳияти

- улгуржи баҳолар асосан, улгуржи савдо корхоналари томонидан чакана савдо билан шуғуланувчиларга ёки бошқа корхоналарга йирик миқдордаги маҳсулотларни сотиш нархларидан иборат бўлади. Улгуржи баҳо ишлаб чиқариш баҳосига савдо корхонасининг барча муомала харажатларини ҳамда тегишли фойда миқдорини қўшиб белгиланади;

- чакана баҳолар бевосита сотувчи томонидан маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали кичик миқдорларда ёки доналаб (килолаб, граммлаб, литрлаб, метрлаб ва ҳоказо) сотиш нархларидан ташкил топади.

Бу баҳо улгуржи баҳога чакана савдо корхонасининг барча муомала харажатларини ҳамда тегишли фойда миқдорини қўшиб белгиланади;

- харид баҳолари – давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларга давлат томонидан ўрнатиладиган нарх;

Давлат томонидан тартибга солиниши ёки эркинлиги даражасига кўра³⁰:

- эркин баҳолар – ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида ўзаро манфаатдорлик асосида талаб ва таклифдан келиб чиқиб ўрнатилади;

- тартибга солинадиган баҳолар – асосан талаб ва таклифдан келиб чиқиб ўрнатиладиган, аммо, ўсиш суръатлари ёки қуйи ва юқори чегаралари давлат томонидан тартибга солинадиган баҳоларни ўз ичига олади (аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ун, шакар ва ўсимлик ёғи каби маҳсулотлар баҳолари);

- қатъий ўрнатиладиган баҳолар – давлат томонидан айрим турдаги муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларга нисбатан қатъий белгиланадиган баҳолардан иборат бўлади (стратегик аҳамиятга эга бўлган нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа ресурслар баҳолари);

- кафолатланган баҳолар – маҳсулотнинг бозор баҳоси унинг таннархини қопламайдиган ҳолатларда айрим тоифадаги ишлаб

³⁰ А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004.

чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида маҳсулотни минимал даромад кўришга имкон берадиган баҳоларда давлат захиралари учун сотиб олиш нархларидан ташкил топади (фермерлардан ғалла ёки пахтани тегишли фойдалиликни таъминлайдиган баҳоларда давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш).

Асосланиши нуқтаи-назаридан:

- базис баҳоси – харидор ва сотувчи ўртасидаги музокаралар воситасида ўрнатилиб, муайян миқдор ва сифатдаги (сортдаги) маҳсулотларни маълум бир муддатларда етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб белгиланади. Унга биноан, ҳақиқатда етказиб берилган маҳсулот миқдори, сифати (сорт) ва муддатлари шартномада белгиланганидан фарқланса, базис баҳосига нисбатан маълум бир чегирма ёки устамалар кўзда тутилиши мумкин;

- ҳақиқий баҳо – базис баҳога нисбатан турли устама ёки чегирмалар қўлланилгандан кейинги ҳақиқий битим баҳоси;

- маълумот берадиган баҳолар – каталоглар, журналлар, газеталар, буклетлар, прејскурантлар ва бошқа савдо хабарномаларида чоп этиладиган ҳамда мутахассислар томонидан шу турдаги товарларга нарх белгилашда мўлжал бўлиб хизмат қиладиган баҳоларни англатади;

- прејскурант баҳолари – маълумот берадиган баҳо турларидан бири бўлиб, ишлаб чиқарувчи корхонанинг ёки сотувчи фирманинг чоп этиладиган прејскурантларида акс эттирилади;

- таққослама баҳолар – бир неча йиллар давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш динамикасини аниқлаш ҳамда уларни таққослама ҳолда солиштириш мақсадида қўлланилади (давлат томонидан статистик ҳисобот шакллари учун ўрнатилади).

Амал қилиш муддати бўйича:

- доимий (қатъий) баҳолар – маҳсулотни етказиб бериш шартномаси амал қиладиган давр мобайнида ўзгармайди;

- жорий баҳолар – айнан маҳсулот сотилаётган даврда амал қилаётган баҳолар даражасини ифодалайди ва бозор конъюктурасига қараб ўзгариб туриши мумкин;

- мавсумий баҳолар – йилнинг маълум бир даври учун ўрнатиладиган баҳолар даражаси (масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига йилнинг турли мавсумларида турлича баҳо ўрнатилади);

- ўзгарувчи баҳолар – бозордаги талаб ва таклиф мувозанати ҳамда инфляция даражасидан келиб чиқиб ўсиб ёки камайиб бориш хусусиятга эга. Бунда сотувчи ва харидор келишувига асосан базис баҳоси ўрнатилиб, турли омиллар таъсирида баҳода юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар шартномада келишиб олинади.

Олди-сотди шартномаси келишувига кўра:

- шартнома (фактура) баҳоси – шартномада белгиланган маҳсулотни етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб сотувчи ва харидор ўртасида келишув асосида ўрнатилади ва унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- СИФ (қиймат, суғурта, фрахт - юкни ташиш ҳақи) – сотувчи юк ташувчи транспорт воситасини ёллаш, маълум бир жойгача юкни ташиш харажатларини тўлаш ва уни бузилиш ҳамда йўқотишлардан суғурталаш харажатларини ўз ҳисобидан амалга оширади, харидор эса белгиланган чегарада божхона тўловларини тўлаш ва юкни ўз омборига ташиш билан боғлиқ харажатларни бўйнига олади;

- ФОБ (бортда эркин) – сотувчи ўз ҳисобидан товарни юк кемаси бортигача элтиш, суғурталаш, божхона тўловларини тўлаш ва юклаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади, харидор эса кемани ёллаш, юкни кемада ташиш ва суғурталаш харажатларини ўз бўйнига олади;

- ФОР (релсда эркин) – сотувчи ўз ҳисобидан товарни темир йўл станциясигача элтиш, суғурталаш ва вагонга юклаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади, харидор эса ундан кейинги харажатларини ўз бўйнига олади;

- Франко – сотувчи ўз ҳисобидан товарни юклаш, келишилган жойгача элтиш, суғурталаш ва божхона тўловларини тўлаш билан боғлиқ барча харажатларни амалга оширади ва улар маҳсулот баҳосига қўшилади.

Давлат эҳтиёжлари учун фермер хўжаликларидан харид этиладиган пахта ва дон экинлари давлат харид нархларида сотиб олинади. Ҳозирги кунда пахтани хом-ашёсининг ҳаммаси (аслида 30 фоиз деб белгиланган) ва ғалланинг 50 фоизи давлат харид нархлари бўйича сотиб олинмоқда.

Давлат харид нархлари даражаси фермер хўжаликларининг етарли даромад олишига имкон бермайди. Кейинги йилларда давлат харид нархларини такомиллаштириш тадбирлари қўрилмоқда. Жумладан, республика Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида» ги фармони билан пахта экадиган хўжаликларнинг юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришга рағбатини ошириш ҳамда нарх белгилашда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёр ва тамойилларни кенг жорий этиш мақсадида пахта хомашёсига ички харид нархлари, экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб берилаётган пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон бозорида шаклланаётган пахта нархи конъюктурасига мувофиқ белгиланиши тартиби жорий этилди. Бунинг натижасида фермер хўжаликларининг давлат буюртмалари бўйича етказиб бераётган пахта хомашёси нархлари сезиларли даражада ошди.

Фермер хўжаликларининг давлат буюртмасидан ташқари барча маҳсулотлари улгуржи ёки чакана эркин (шартномавий) баҳолар орқали сотилади. Ҳозирги кунда маҳсулотлар баҳосини шакллантиришда ишлаб чиқаришда сарф қилинадиган моддий ресурслар баҳоси асосий ўринни эгалламоқда. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб бериш, турли иш ва хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган тармоқлар баҳосини тартибга солиш бу муаммони қисман бўлсада ечишга имкон бериши мумкин.

Чунки, бу турдаги корхоналар жойларда озчиликни ташкил этиб (бир-иккитадан ошмайди), бозорда монопол мавқени қўлга киритиб олган. Бозор муносабатларининг кенг ривожланиб бориши ва бу тармоқларда ҳам рақобат муҳитининг кириб келиши билан баҳолар барқарорлашуви юз бера бошлайди. Келгусида давлатнинг кафолатли баҳолар тизимини жорий этишга бўлган талаб кучайиб боради. Буни ривожланган хорижий мамдакатлар тажрибасидан ҳам кўриш мумкин.

Фермерлар маҳсулотларига баҳо белгилаш механизмини такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларга риоя этиш мақсадга мувофиқ:

- эркин баҳо белгилаш ва баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини қўшиб олиб бориш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари билан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи саноат корхоналари баҳоларининг эквивалентлигини (баҳолар паритетини) таъминлаб бориш;
- фермер хўжаликларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилишига имкон берувчи даражада даромад келтирувчи баҳолар тизимидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар таннархини камайтиришга эришиш;
- маҳсулотлар сифати ва истеъмол қийматидан келиб чиқиб табақаланган баҳолар тизимидан фойдаланиш;
- давлат аҳамиятига эга бўлган ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи стратегик маҳсулотларга давлат томонидан кафолатланган баҳолар тизимини жорий этиш ва бошқалар.

Ҳозирги пайтда Республикада қуйидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат харидининг объектлари саналади: пахта хом-ашёси, ғалла, шоли ва ипак пилласи етиштириш.

2002 йилда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва марказий банкининг “Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ

хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ва бўнак тўловларни ташкил этиш тартибини тасдиқлаш ҳақида” ги қарори кучга кирди.

Мазкур қарор давлат эҳтиёлари учун пахта хом-ашёсини етиштиришни узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш ва пахта тозалаш саноати бошқарувини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, Пахтабанк (ҳозирда Агробанк) янги ҳосил учун бўнаклар бериш ва етиштирилган ҳосил учун ҳисоб-китобларни амалга оширади. Давлат эҳтиёжлари учун харид ҳисоб-китоблари Молия вазирлиги қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб Фонди орқали амалга оширилади.

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган қарорда пахта хом-ашёси учун бўнаклар ажратиш ва охириги ҳисоб-китоблар учун тўловларни фонд томонидан амалга ошириш механизми кўрсатиб ўтилган. Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёсини етказиб бериш учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларга бўнаклар, юқорида кўрсатилган фонд томонидан мақсадли маблағларни (алоҳида транш шаклида) Агробанкнинг вилоят бошқармалари орқали амалга оширилади.

Траншлар ҳажми маблағларга бўлган йиллик талаб ҳисоб-китоблари прогнози орқали аниқланади. Экиладиган уруғлик чигитлар қиймати бўнаклар ҳисобидан қопланади. Фонд ўзининг “Контрактация ва пахта учун ҳисоб-китоблар марказ” ларидаги ҳудудий инспекторлари ва Агробанк ҳамкорлигида маблағларни мақсадли ишлатилиши мониторингини амалга оширади.

Республикада “Пахтасаноатсотиш” ОАЖнинг бўлимлари ва пахта тозалаш корхоналари учун ҳисоб рақамлар очиш, депозит ҳамда махсус ҳисоб варақлардан операцияларни амалга ошириш, шунингдек, Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланишга Агробанк масъулдир.

Пахта ва ғалла сотиш ҳамда сотиб олиш соҳасида ҳукумат назорати сақланиб қолган бўлсада, ҳукумат, кейинги йилларда ушбу маҳсулотларни давлат хариди баҳоларини сезиларли даражада оширди, шунингдек, ушбу

махсулотларни муқобил сотиш йўллари кенгайтирилди.

Республикада ҳар йили пахта йиғиш мавсуми олдидан пахта хомашёсининг давлат сотиб олиш баҳолари белгиланади. 2001 йилгача ушбу баҳолар Молия вазирлиги томонидан, 2001 йилдан бошлаб эса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Пахта толасининг улгуржи баҳолари одатда, ҳар йили, август ойида, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили давлат томонидан йирик миқдордаги маблағлар ва ажратмалар (ассигнования) ажратилади. Пахта республика жами экспортининг ҳажмида 12 фоиз улушга эга ва мамлакат валюта тушумларининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади³¹.

Пахтани экспорт қилиш учун, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган махсус лицензия талаб этилади. Пахта сотишда “Ўзмарказимпекс”, “Инновация”, “Ўзпромماشимпекс” каби йирик давлат корхоналари фаол иштирок этадилар. Амалда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ва Ўзпахтасаноатсотиш ассоциацияси пахтани экспорт этишни мувофиқлаштиради ҳамда ишлаб чиқариш ва экспорт ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Одатда пахта тўғридан-тўғри (нақд операциялар) орқали ёки квази-бартер битимлари орқали сотилади. Квази-бартер битимлари орқали сотишда, хорижий ҳамкорга пахтани натурал тўлов эвазига олишга рухсат этилади, аммо амалиётда бу икки хил банк операциялари шаклида расмийлаштирилади. Масалан, пахтани ғаллага бартер йўли билан алмаштиришда, уларнинг мос қийматлари пул кўринишда иккита алоҳида иккиёқлама операциялар шаклида пул кўринишида ўтказилади, яъни, масалан пахта сотиб олувчи ўзбекистонлик ҳамкорига пахта учун пул

³¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.Каримов. – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

тўлайди ва иккинчи операция – ўзбекистонлик ҳамкори ғалла учун пулни хорижий ҳамкорга ўтказиб беради.

1995 йилдан Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида пахта ва ғаллага давлат буюртмасининг ҳажмини доимий пасайтириб бориш, мамлакат экспорт потенциалини ошириш, мамлакат ичида пахта толасига бозор баҳоларни жаҳон нархларига яқинлаштириш, хусусий секторни уруғлик етиштириш ва янги технологияларни қўллашга жалб этиш йўналишларида ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегияга биноан ғалла етиштириш ҳукумат сиёсатининг марказига айланди. Ғалла мустақиллиги озиқ-овқат хавфсизлигининг кафолати сифатида қабул қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ипак курти етиштириш ҳамда шоли ҳамон давлат буюртмаси ва баҳо белгилаш тизимининг предмети ҳисобланади. Давлат харидини режалаштириш ва сотиб олиш тизими, қишлоқ хўжалигида пахта ҳамда ғаллани ишлаб чиқариш ҳамда даромад олишни кўзлайди. Ушбу маҳсулотларни давлат харидини давлат монопол ташкилотлари: Ўзпахтасаноат ва Ўздонмаҳсулот амалга оширади.

Мавжуд давлат хариди тизимидаги айрим омиллар, харид тизимини фермерлар учун фойдасиз қилиб қўяди: фермерлар фақатгина тайёрлов режаларини бажаргандан сўнггина ортиқча етиштирилган маҳсулотларни шартнома баҳоларда сотишга рухсат оладилар ва амалда, кўпчилик фермерлар етиштирган барча ҳосилни давлат харид баҳоларида сотиб оладилар.

Амалиётда, пахта хом ашёсига баҳолар Ўзпахтасаноатсотишнинг ҳудудий органлари томонидан белгиланади ва контрактация шартномаларида ўз аксини топади.

Дон маҳсулотларининг қарийб ярми давлат харид баҳоларида сотилади, қолган қисми (қанча ҳажмда бўлиши ҳосил йиғими

яқинлашганда ўрнатилади) ўрнатилган шартнома баҳоларда (одатда, давлат харид баҳоларидан 20% юқори) сотилади.

Ҳосилнинг қолган қисми фермерлар ихтиёрида қолдирилади. Қайта кўриб чиқиладиган алмашув курслари мавжудлиги сабабли, жаҳон нархлари ва маҳсулот сотиш нархлари ўртасида сезиларли фарқ юзага келади. Амалда ғалла учун давлат харид баҳолари, ғалланинг бозор баҳоларидан анча паст даражада.

Ўзбекистонда давлат харидининг предмети бўлган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатда шоли етиштириш ва уни давлат сотишнинг улуши барқарор равишда, пасайтирилаётганилиги кузатиш мумкин.

Давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозорида, пахта ва ғаллага харид квоталари тизими орқали таъсир этади (ушбу икки турдаги маҳсулот сотишнинг 50-80 % ҳажми давлат ҳиссасига тўғри келади). Харид жараёни максимал даражада марказлашган. Хариднинг режаси ва бажарилиш жадвали Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилади ва унинг доимий мониторинги амалга оширилади. Ҳар бир вилоят ва туманга хариднинг маълум квоталари ўрнатилади.

Қишлоқ хўжалик секторида ишлаб чиқарувчиларга бўнак тўловлари ажратиш ва товар кўринишдаги кредитлар бериш орқали, улар келажакдаги ҳосилни, давлат томонидан белгиланадиган баҳоларда сотишга рағбатлантирилади.

Харид квоталари, бўнак тўловлари, товар кредитлари ва экспортни тартибга солиш каби воситалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларининг маҳсулотларни давлатга тартибга солувчи баҳолар асосида сотишларини рағбатлантиради.

2.3. Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили

Қурилиш саноати иқтисодиётнинг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлашга, миллий иқтисодиётнинг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқариш кучларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, янги табиий бойликларни ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни таҳлил қиладиган бўлсак, "Уй жой қурилиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ўтган 2009 йилнинг 1012 нафар махсуслаштирилган қурилиш-таъмир ташкилотлари тузилди, «Калитни топшириш» уй жой фонди объектларини таъмир ва реконструкция қилиш натижасида 13,6 мингта қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Махсуслаштирилган қурилиш-таъмир ташкилотлари билан қурилиш ишларини амалга ошириш учун жами 72, 8 млрд.сўмлик 1370 та шартнома тузилди³².

Шу ўринда таъкидлаш керакки, республикамизда олиб борилаётган ана шундай чора - тадбирлар, яъни меъморчилик ва қурилиш соҳаси билан боғлиқ барча вазифалар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси томонидан юксак савияда, халқаро меъёрларга мос равишда бажариб келинмоқда.

Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан бажариб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларини ривожлантириш-мамлакатни иқтисодий сиёсатининг асоси бўлиб, унда фуқаролар ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашда, янги иш ўринлари яратилишида,

³² "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси маълумотлари.

иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштиришда акционерлик жамиятларининг аҳамияти беқиёслигини тан олишимиз зарур.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда корпоратив ишлаб чиқариш шаклидаги тузилманинг вужудга келиши - аҳолининг юқори сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш, бозор муносабатларига мос самарали бошқарув тизимини шакллантириш, қурилиш материаллари саноати интеграциясини чуқурлаштириш ва мулкчилик муносабатларидаги ислохотларни изчил амалга ошириш заруратини туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги “Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1666 сонли қарорига кўра:

- ижтимоий-фуқаролик аҳамиятидаги янги объектлар ва уй-жойларни қуриш фақат шаҳарлар ҳамда аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига ва зарур ҳолларда, белгиланган тартибда уларга киритиладиган тузатишларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши белгилаб қўйилди;

- Объектларни белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларисиз ҳамда уларни шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига боғламасдан қуриш ва реконструкция қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисобланиши;

- молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини параллел равишда ишлаб чиқиш ва молиялаштириш билан бир вақтда қуриш ва реконструкция қилиш;

- тегишли ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг қурилиш жараёнига ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишига аралашуви;

- шаҳарлар, шаҳарчалар ва туман марказларида қурилиши тугалланган мавзелар, кўп қаватли турар жой микрорайонлари

(дахалар)нинг ҳудудларида тасдиқланган бош режаларда назарда тутилмаган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бозор инфраструктурасининг алоҳида турган объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш қатъиян тақиқланди деб белгилаб қуйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012 йилда қишлоқ жойларида намунали лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қурилиши дастури тўғрисида”ги ПҚ-1687-сонли қарорига кўра, мазкур қарорда белгиланган асосий параметрлар бўйича жорий йилда “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ ва Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш орқали Республика ҳудудларида белгиланган 276 та массивда 8510 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга оширилади.

Ўз ўрнида якка тартибдаги уй-жойларни ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари билан таъминланишида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудларида 425,46 км сув таъминоти тармоқлари, 306,13 км автомобил кириш йўллари, 259,85 электр таъминоти тармоқлари ҳамда 374,73 км газ таъминоти тармоқлари қурилишлари мўлжалланган.

- “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ ва Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш орқали Республика ҳудудларида белгиланган 276 та массивда 8510 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга оширилади;

- Якка тартибдаги уй-жойларни ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари билан таъминланишида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудларида 425,46 км сув таъминоти тармоқлари, 306,13 км автомобил кириш йўллари, 259,85 электр таъминоти тармоқлари ҳамда 374,73 км газ таъминоти тармоқлари қурилишлари мўлжалланган. Сув таъминоти объеклари Республика бюджетидан амалга оширилади;

- Қишлоқ ҳудудларидаги якка тартибдаги уй-жойлар массивларида ижтимоий ва савдо инфратузилмаси объектиларидан 10 та ўрта-таълим

мактаблари, 26 қишлоқ врачлик пунктлари, 80 та маҳалла гузарлари, 109 та савдо комплекслари, 42 та бозорлар, 90 та нонвойхоналар, 47 та маиший хизмат кўрсатиш комплекслари ҳамда 33 та минибанклар қурилиши режалаштирилган;

- Қайд этилган қурилишларда замонавий том ёпишга оид материаллар: ғишт, эшик ва ром, гипс, алебастр, гипсакартон, йиғма конструкцияга оид қурилиш ва пардозлаш билан боғлиқ материаллар ишлаб чиқарувчи 152 та янги корхоналарнинг маҳаллий қурилиш материалларидан тўлиқ фойдаланилади;

- Ушбу дастурни амалга ошириш учун керакли бўлган намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.08.2009 й. “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1167-сонли қарори асосида ташкил этилди.

Мулкчилик муносабатларидаги ислохотлар чуқурлашувининг иккинчи босқичида ўрта ва йирик енгил саноат, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги 50 мингдан ортиқ корхоналар очик акциядорлик шакли яъни, корпоратив ишлаб чиқариш тизими устунлик қилмоқда.

Ҳозирда «Ўзқурилишматериаллари» АК таркибида 129 та йирик, кичик ва қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг катта қисмини ривожланаётган қурилиш материаллари бозорига йўналтирилган кичик корхоналар ташкил қилади. Компаниянинг асосий таркиби асосий йўналишларда фаолият юритадиган ташкилот ва муассасалардан таркиб топган бўлиб, улар ихтисос ва йўналишлари бўйича турли хил қурилиш материаллари маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар, яъни:

- цемент саноати корхоналари;

- махсус қурилиш материаллари корхоналари;
- девор материаллари корхоналари;
- савдо корхоналари;
- илмий - тадқиқот лойиҳалаш институти;
- ҳамкор корхоналар;
- тоғли - геологик экспедиция.

Таъкидлаш лозимки, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш таркибидаги илғор ўзгаришлар, уларнинг самарали турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши бир вақтнинг ўзида ресурсларнинг чекланганлиги, шунингдек, ресурслар давлат бюджетидан ажратилмаётганлиги, балки корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан харид қилиниши туфайли муҳим аҳамият касб этувчи ресурсларнинг тежалиши билан ажралиб туради.

2005 йил 24 мартда ПФ-3586-сонли "Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида" Президент Фармони ҳамда 2007 йил 1 июнда ПҚ-646-сонли "2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида" Президент Қарори қабул қилинди. Ушбу фармонлар асосида 2010-2011 йилларгача тармоқни ривожлантириш, модернизациялаш, жаҳон стандартларига мос, экспортга йўналтирилган, замонавий янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур қурилиш материалларига талабнинг ошиши, ушбу соҳадаги корхоналар фаоллигининг ошиши ва соҳага мааҳаллий ва чет эл инвестицияларининг кириб келиши каби омилларга таянган ҳолда тузилган. Унга мувофиқ, келажакда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қурилиш материалларини

ишлаб чиқариш йўриқномасини кенгайтириш;

➤ ишлаб чиқаришга янги замонавий технологияларни жалб қилиш ва жорий қилиш;

➤ 150 дан ортиқ янги қурилиш материаллари турини яратиш (вермикулит, газобетон, ДСП ва МДФ типдаги плита материаллари, ламинирланган паркет, керамик плитка, санитар-техник маҳсулотлар, битум-полимер ёпма материаллари, оловга чидамли материаллар ва бошқалар).

Капитал қурилишни амалга ошириш ва молиялаштириш жорий механизми қуйидаги мавжуд қонунчиликка асосан тартибга солинади:

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июнь 110-сонли "Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;

➤ Адлия вазирлиги томонидан 2008 йилнинг 9 январидан 1757-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2007 йилнинг 27 ноябрида 9-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш иншоотлари учун қурилиш, реконструкция, техник қайта қурулантириш, лойиҳа тайёрлаш, материаллар, конструкциялар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида" қарори.

Қурилиш танлов ҳужжатларига қуйиладиган талаблар:

- техник
- умумий
- тижорат

Техник қисм - бу талабгорлар ўз танлов таклифларини қийматини ҳисоб-китоб қилиши учун зарур ва етарли бўлган харид қилинаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ва характеристикасини, ишларнинг

бажарилиш (товар етказиб бериш, хизматлар) муддати, шунингдек танлов савдолари бир босқичда амалга оширилганда танлов савдолари буюртмачиси ва ғолиб томон ўртасида тузиладиган шартномадан сўнгги ҳисоб-китобларини ўзида мужассамлаштирган маълумотлардан иборат ҳужжатлар йиғмажилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1083 сонли қарори билан "Қишлоқ қурилиш банк" ташкил этилди.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

- "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарори;

- «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сон қарори;

- «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 90-сон қарори;

- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сон қарори;

- «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори;

- «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш" лойиҳасини кўп марталик транш бўйича молиялаштириш дастурини амалга оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2012 йил 11 январдаги ПҚ-1683-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 январдаги ПҚ-1687-сонли “2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 октябрдаги 291-сонли “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қурилиши бўйича дастурни тайёрлаш чоралари” тўғрисидаги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида” ПҚ-1902 қарори.

Мамлакатимиздаги "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ташкил этиш бўйича ягона буюртмачи ташкилот ҳисобланади³³.

³³ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. //Ж. 2008-2012 й.


"Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ эса қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура жиҳатидан режалаштиришни ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш, шу асосда қишлоқ қиёфасини қатъян ўзгартириш мақсадида ташкил қилинган корхона ҳисобланади.



2.6-расм. 2012 йилда қишлоқ жойларда қурилган якка тартибдаги уй-жойларнинг ўртача нархи

Ўзбекистонда намунавий уй-жой қурилишини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳаси "Қишлоққурилишлойиха" лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уй-жой лойиҳаси бўлиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий - иқлим шароитларини ва жойларнинг рельефини, ижтимоий - демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

2009 – 2012 йилларда қурилиш объектларининг умумий қиймати 1 962,1 млрд.сўмни, шу жумладан, имтиёзли кредитлар 1 186,3 млрд. сўмни ташкил қилди.



2.7-расм. Қурилиш объектлари учун ажратилган маблағлар

Давлат харид нархларини шакеллантириш мақсадида маҳаллий хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш тизимини такомиллаштиришда бевосита корхоналарга солиқ ва бож тўловларидан имтиёзлар яратиб берилса улар керакли техника ва технологияларни четдан арзон баҳоларда сотиб олиб ишлатишларига ҳамда қурилиш материалларини четга экспорт қилишларида ҳам кенг кўламли имкониятлар яратиб берилса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тизимини янада барқарор ривожлантиришга эриша олган бўламиз.

Ўзбекистон Республикасида давлат эҳтиёжлари учун капитал қурилишни амалга ошириш ва молиялаштириш жорий механизми қуйидаги мавжуд қонунчиликка асосан тартибга солинади:

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июнь 110-сонли "Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш,

экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори;

➤ Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатган олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”;

➤ Адлия вазирлиги томонидан 2008 йилнинг 9 январидан 1757-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2007 йил 27 ноябрда 9-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш иншоотлари учун қурилиш, реконструкция, техник қайта қуrolлантириш, лойиҳа тайёрлаш, материаллар, конструкциялар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” қарори.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида низом"га (кейинги ўринларда матнда Низом деб юритилади) асосан, танлов ҳужжатларининг техник қисмига талабларни ҳамда марказлаштирилган манбалар (давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғарма ва Ҳукумат қарорлари билан ташкил этилган алоҳида тармоқлар ва ташкилотларнинг махсус жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қафолати ёки унинг номидан жалб этиладиган чет эл кредитлари, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари) давлат бошқарув органлари ҳамда давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган барча турдаги ишлар ва хизматлар танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказишнинг тартиби, умумий қоидалари муддатларини белгилаб беради.

Қурилишга, техник қайта қуrolлантириш, реконструкция, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш бўйича пудрат савдоларини ўтказиш

учун тайёрланган ҳужжатларнинг таркибида мажбурий тартибда танлов ҳужжатларининг техник қисмини ишлаб чиқиш учун асос бўлган лойиҳа ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси давлат экспертизасининг ижобий ҳулосаси бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш мажбурий босқич бўлиб, унда тақдим этилган барча зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлақонлилиги, баҳолаш мезонлари ва ғолибни аниқлаш жиҳатлари регламентга ҳамда танлов савдоларини ўтказиш тартиботларига риоя этилганлиги текшириб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Танлов ва бошқа танлов савдосининг ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, танлов савдолари ўтказиш усули ва услублари қўлланишининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асосланганлигини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади (Давархитектқурилиш).

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказишдан мақсад, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси ва ишлаб чиқувчилари томонидан танлов ҳужжатларини ишлаб чиқишда, уни Низом шартларига, танлов савдолари ишлаб чиқиш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилишдан иборатдир.

"Давархитектқурилиш" танлов ҳужжатларини экспертиза кўригидан ўтказиш учун белгиланган тартибда комиссия ҳайъати таркибини (эксперт органини) тасдиқлайди. Бундан ташқари, нодир ва мураккаб иншоотлар учун тайёрланган танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун шартнома асосида тегишли соҳалардан маслаҳатчилар ҳамда мутахассислар жалб этиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари шундай тарзда ифодаланиши керакки, уни барча оферент-талабгорлар бир хилда ўқиш ва бир хилда тушуниш имконига эга

бўлиши лозим. Ишларнинг тафсилотларини ёзишда умумий қабул қилинган атама ва номлардан фойдаланиш лозим.

Танлов савдоларини очишда, экспертиза хулосаси танлов комиссиясининг эътиборига етказилади. Экспертиза хулосасида эътирозлар мавжуд бўлганда, уларнинг бартараф этилганлиги ҳақида материаллар (ҳужжатлар) тақдим этилади.

Экспертиза томонидан ижобий хулоса берилганидан сўнг, очик танлов савдолари ўтказилаётганда, оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилади, ёпиқ танлов савдолари ўтказилаётганда потенциал иштирокчиларга таклифномалар юборилади.

Танлов савдолари жараёнида иштирок этишга таклифномаларни жўнатиш бўйича эълонларни чоп эттириш, пудратчиларни муддатида тайёргарлик кўришлари ва ўз талабномаларини тақдим этишлари учун етарли бўлган муддатда, лекин эълон чоп этилган кундан эътиборан камида 30 календарь кун ва таклифнома жўнатилган кундан эътиборан 35 кундан кам бўлмаган муддатларда, буюртмачи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Экспертизага тақдим этиладиган ҳужжатлар. Буюртмачи экспертизадан ўтказиш учун танлов савдоси ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларни ва матбуотда нашр этиш учун тайёрланган эълоннинг тўла матнини тасдиқланган ҳолда кузатув хати билан тақдим этади.

Техник қисм - бу талабгорлар ўз танлов таклифларининг қийматини ҳисоб-китоб қилиши учун зарур ва етарли бўлган харид қилинаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ҳамда характеристикасини, ишларнинг бажарилиш (товар етказиб бериш, хизматлар) муддати, шунингдек, танлов савдолари бир босқичда амалга оширилганда танлов савдолари буюртмачиси ва ғолиб томон ўртасида тузиладиган шартномадан сўнгги ҳисоб-китобларини ўзида мужассамлаштирган маълумотлардан иборат ҳужжатлар йиғма жилдидан ташкил топади.



2.8-расм. Қурилишда эштирок этиш ва танлов ҳужжатларига қуйиладиган талаблар

Икки босқичли танлов савдоларини ўтказишда техник қисми биринчи босқичда талабгорлар танлов таклифларини тайёрлашлари учун зарур ва етарли бўлган танлов савдолари предметини тахминий характеристикасини ифодаловчи ҳужжатлардан таркиб топади.

Техник қисм қуйидаги таркибда шакллантирилади:

Бино ва иншоотларни қуриш, техник қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш учун ўтказиладиган пудрат савдолари учун:

а) иш лойиҳалар мавжуд бўлганда, "калит билан" топшириш шарти ҳисобга олинган ҳолда:

✓ буюртмачининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган маҳаллий ресурс қайдномалари (5-шакл тавсия қилинади);³⁴

³⁴ 5-шакл - "Давархитектқурилиш" қўмитасининг 2003 йил 12 декабрдаги 74-сон бўйруғи билан тасдиқланган "Қурилиш ва монтаж ишларига ҳисоб-китоб ресурсларини тузиш бўйича услубий қўлланма"да келтирилган.

✓ агар маҳаллий ресурс қайдномаларида қўлланиладиган материал, жиҳоз ва конструкцияларнинг турлари ҳамда русумлари кўрсатилмаган бўлса, материал, жиҳоз ва конструкцияларнинг буюртма хусусиятлари;

б) дастлабки техник-иқтисодий асослаш (дастлабки техник иқтисодий ҳисоблаш-ДТИА) ёки техник-иқтисодий асослаш (техник иқтисодий ҳисоблаш -ТИА³⁵) мавжуд бўлган ҳолларда:

➤ танлов таклифларини тайёрлаш учун керакли бўлган ДТИА ёки ТИА материаллари, нарх кўрсаткичлари бундан мустасно;

➤ ДТИА ёки ТИА асосида ишлаб чиқилган танлов савдолари предметини изохлаб берувчи буюртмачининг тушунтириш хати;

➤ буюртмачини лойиҳа ҳужжатларини тўлиқ равишда, танлов ғолибига ўз вақтида тақдим этиш тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган қафолат хатлари;

в) ДТИА ёки ТИА асосида "калит билан" топшириш шарти билан бўлган ҳолларда:

➤ ДТИА ёки ТИА материаллари (нарх кўрсаткичлари бундан мустасно);

➤ лойиҳанинг кейинги босқичлардаги лойиҳалаштириш топшириқлари;

➤ биринчи сонли архитектура-режалаштириш топшириғи (биринчи АРТ) ва иккинчи сонли архитектура-режалаштириш топшириғи (иккинчи АРТ) ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

➤ топографик материаллар ва қурилиш майдони ўрганилган геологик- муҳандислик қидирув материаллари;

➤ ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан бажарилган мавжуд бино ва иншоотларни текширув материаллари (заруратга қараб);

³⁵ ХМII (халқаро молия ва иқтисодиёт институтлари) ва ХХМТ (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари)нинг заём маблағлари жалб этилган лойиҳаларни амалга оширишда ТИА (ТИХ)лар асосида ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари тайёрланади.

➤ буюртмачининг муҳри ва имзоси билан расмийлаштирилган иш хажмларининг қайдномалари ДТИА ёки ТИА ҳамда лойиҳалаш учун топшириқларда кўзда тутилмаган қўшимча иш ва хизматлар топширилганда пайдо бўлган ҳолларда талабгорга лойиҳа олди ва асосий иш, хизматлар билан биргаликда бажариш учун берилади;

➤ талабларга тушунтириш хати ёки ДТИА ёки ТИАлардан кўчирмалар (заруратга қараб);

➤ белгиланган тартибда расмийлаштирилган харид қилинадиган ускуналар ёки моддий-техник мақсаддаги маҳсулотлар рўйхати, ёки буюртмачининг муҳри ва имзоси билан расмийлаштирилган буюртма хусусиятлари ҳамда биргаликда иш ва хизматларнинг рўйхати ёки биргаликда иш ва хизматларнинг локал ресурс қайдномалари (агар танлов савдолари шартлари бўйича биргаликда иш ва хизматлар кўзда тутилган бўлса);

➤ чизма материаллар: технологик жиҳозларнинг жойлаштириш режалари,

➤ ностандарт жиҳозлар ва бошқа чизмалар (заруратга қараб).

Рухсат берувчи ҳужжатлар қуйидаги таркибда шакллантирилади:

➤ тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси (тегишли Ҳукумат қарорлари билан танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолияти белгиланмаган ишлаб чиқувчиларга қўлланилади);

➤ кредит шартномаси ёки банк маълумотномаси ёки қурилишнинг манзил рўйхати ёхуд давлат бошқарув органининг қарори, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ажратиладиган маблағларнинг нархларни кўрсатган ҳолда йўналтириладиган молиялаштириш манбаини аниқловчи инвестор (сармоядор)нинг қарз битимлари ёки бошқа ҳужжати;

➤ давлат экспертизасининг лойиҳа ҳужжатлари ва бошланғич нархи (пудрат танлов савдолари ўтказишда иш лойиҳаси ишлаб чиқилгандан

сўнг) ёки бошланғич нарх бўйича берилган ижобий хулосаси (капитал таъмирлаш учун кичик лойиҳаларни амалга оширилаётганда);

- ДТИА ёки ТИАларни тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар (пудрат танлов савдоларини ўтказишда ДТИА ёки ТИА ишлаб чиқилгандан сўнг);

- пудрат савдоларини ўтказиш услубини аниқловчи ва танлов комиссияси таркибини тасдиқловчи буюртмачининг расмий бошқарув ҳужжати;

- танлов савдоларини ўтказиш муддатини белгилаган, танлов савдоларида иштирок этиш учун буюртмаларни таъминлаш шакллари кўриб чиқиб тасдиқлаган, келиб тушган танлов таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини кўриб чиқиб тасдиқлаган ҳамда танлов комиссиясининг иш регламентини кўриб чиқиб тасдиқлаган танлов комиссиясининг танлов олди йиғилиши баённомаси;

- белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов комиссиясининг иш регламенти (тартиби);

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг импорт товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилишда ускуна, қурилиш материаллари, конструкциялар, ишлар ҳамда хизматларнинг нархлар конъюнктураси бўйича хулосаси.

Рухсат берувчи ҳужжатлар ва матбуотда нашр этиладиган эълон матни танлов ҳужжатлари таркибида талабгорларга берилмайди. Танлов ҳужжатларининг техник ва рухсат берувчи қисми таркибига кирувчи ҳужжатлар рўйхати танлов савдоларининг предмети ҳамда шаклидан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин.

Зарурат туғилганда эксперт органи ўз ваколатига доир масалалар бўйича буюртмачидан кўриб чиқиладиган танлов ҳужжатлари бўйича қўшимча маълумот ёки ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Экспертизада текшириладиган ва таҳлил қилинадиган асосий масалалар. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда қуйидаги асосий масалалар текширилади ва таҳлил қилинади:

- ✓ танлов ҳужжатлари, шу жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларнинг тўла ҳажмда мавжудлиги;

- ✓ бир хил ном, ягона атама ва уларнинг ифода этилишидан фойдаланилганлиги;

- ✓ савдо иштирокчиларига қўйиладиган талабларга амал қилинганлиги (лицензия, етарли иш тажрибасининг борлиги, молиявий ҳолати, техника билан жиҳозланиши, савдонинг аниқ иншоотларига қараб бошқа малака талаблари);

- ✓ таклифларни техник ва молиявий баҳолашда мезонларни қўллашнинг ҳолисоналиги ва уларнинг аҳамияти;

- ✓ танлов ҳужжатларини ишлаб чиқишда "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш иншоотлари учун қурилиш, реконструкция, техник қайта қуроллантириш, лойиҳа тайёрлаш, материаллар, конструкциялар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида" қарори (9.01.2008 йил, 1757-сонли, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 27.11.2007 йил 9-сонли) Низомининг ҳамда танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва қурилишда танлов савдоларини ўтказиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги текширилади ва таҳлил қилинади;

- ✓ танлов ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни таҳлил қилиш.

Танлов ҳужжатларини қўриб чиқиш натижалари бўйича танлов савдоси ҳужжатларини тасдиқлаш учун ёки унинг камчиликларини бартараф этиш учун камчиликлари кўрсатилган ҳолда қайта ишлашга тавсия этувчи экспертиза хулосаси тузилади.

Хулоса эксперт органининг раҳбари томонидан тасдиқланади ва буюртмачига юборилади. Экспертизанинг ижобий хулосаси матбуотда танлов савдоси тўғрисидаги эълонни чоп эттиришга асос бўлиб хизмат қилади. Танлов савдоси ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш муддати ўн кундан ортиб кетмаслиги лозим.

Қайта экспертиза кўригидан ўтказиш муддати экспертиза хулосасида кўрсатилган хато ва камчиликлар бартараф этилгандан ҳамда буюртмачи (ташкилотчи) нинг қайтадан мурожаат этганидан кейин беш кундан ошмайди. Танлов савдоси ҳужжатларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш буюртмачи (инвестор) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш шартнома асосида амалга оширилади. Экспертиза хулосасининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатлари таркибига кирувчи техник қисм ва рухсат берувчи ҳужжатларнинг муддатлари ҳамда танлов савдолари иштирокчилари учун Йўриқномаларнинг (иловалар ва қўйилмалар мазмунини ўзгартиришга) амал қилиш муддати билан чегараланади.

Экспертиза хулосасининг амал қилиш муддати, танлов ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар натижасида техник қисмининг таркиби ўзгармаса ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари "Давархитектқурилиш" томонидан узайтирилиши мумкин.

II боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди. Бу эса ижобий натижа бергани.

Жумладан, ўтган йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истеъмол нархлари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва куруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобига аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг давлат билан иқтисодий муносабатлари давлат буюртмаси асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун давлат буюртмаси деҳқон учун фойдали бўлиб, давлат харид баҳолари энг муҳими қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қисми учун белгиланадиган давлат харид нархлари рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши ва корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб маълум бир миқдордаги фойда кўришига имкон яратиши лозим.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда корпоратив ишлаб чиқариш шаклидаги тузилманинг вужудга келиши - аҳолининг юқори сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш, бозор муносабатларига мос самарали бошқарув тизимини шакллантириш, қурилиш материаллари саноати интеграциясини чуқурлаштириш ва мулкчилик муносабатларидаги ислохотларни изчил амалга ошириш заруратини туғдиради.

III Боб. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида давлат харидини самарали ташкил этиш механизмининг такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Давлат харидини самарали ташкил этишда ривожланган давлатлар тажрибаси

Ўзбекистонда шакллантирилаётган давлат хариди механизми, бу собиқ иттифоқ даврида мавжуд “давлат хариди” тушунчасидан фарқ қилади. Шу сабабли давлат харидини ташкил этишнинг самарали механизмларини жорий этишда, уни ташкил этиш буйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу соҳада АҚШ, Европа Иттифоқи, Халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ривожланаётган давлатлар амалиётини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий тажрибаларидан мамлакатимиз давлат хариди тизимини шакллантиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат харидини ташкил этишда АҚШ тажрибасини, ушбу мамлакатда давлат харидининг давлат молияси таркибидаги ўрнининг таҳлилидан бошлаймиз. АҚШ ҳукумати мудофаани таъминлаш, таълим, шифохоналар, йўл қурилиши ва бошқа умумжамиyat эҳтиёжларини молиявий таъминлаш учун давлат харажатларни амалга оширади. АҚШда штатлар ҳукумати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари товарлар ва хизматлар сотиб олиш учун федерал ҳукуматга нисбатан ҳам кўпроқ харажатларни амалга оширади.

1986 йилда федерал ҳукумат харажатлари ЯИМнинг 24,5 фоизини ташкил этганлигига қарамасдан, товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланган маблағлар ҳиссаси ЯИМнинг 9 фоизи миқдорини ташкил этган. Бу фарқ, федерал ҳукумат харажатларининг кичик қисми товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланиши билан изоҳланади. Федерал харажатларнинг 2/3 қисмини аҳолига ижтимоий тўловлар тўлаш, штатлар ва ўз-ўзини бошқариш органларига субсидиялар ажратиш ташкил этади.

Федерал ҳукумат ижтимоий тўловлари, ўз ичига, ижтимоий таъминот ва ишсизлик нафақасини олади. Товарлар ва хизматлар харидининг катта қисми федерал ҳукумат томонидан амалга оширилади ва ушбу харажатларнинг йирик улуши (ЯИМнинг 7 фоизи) мудофаа эҳтиёжлари учун амалга оширилади. Штатлар ҳукуматлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан товар ва хизматлар хариди, аксинча, таълим, йўл қурилиши, шифохоналар таъминотиغا сарфланади. Умуман, давлат сектори мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 20 фоизини харид қилади³⁶.

АҚШнинг давлат хариди соҳасидаги фаолиятини умумий мувофиқлаштириш - Федерал харид сиёсати бошқармаси (Office of Federal Procurement Policy) томонидан амалга оширилади. Бу орган – дастлаб, Бюджетни бошқариш бошқармасида маслаҳатчи орган сифатида 1974 йилда ташкил этилган, 1988 йилдан ҳукуматнинг доимий фаолият юритувчи органи сифатида фаолият юритмоқда.

Федерал харид агентликлари томонидан амалга ошириладиган барча харид 1984 йилда ишлаб чиқилган давлат харидини тартибга солувчи қоидалар йиғиндиси (Federal Acquisition Regulation, FAR1) билан тартибга солинади. Унда харидни ташкил этишнинг барча босқичлари – харидни режалаштириш, давлат харидини амалга оширишни бошқариш ва уни тугаллашгача бўлган барча босқичлар ўз аксини топган. FAR дан кўзланган асосий мақсад - давлат эҳтиёжи учун харидни амалга оширувчи барча федерал агентликлар томонидан ягона харид сиёсатини амалга ошириш ва ягона харид қоидаларидан фойдаланишни таъминлашдан иборат. FARнинг миссияси эса, харидни амалга оширишга бўлган вақт чекланганлигини инобатга олган ва давлат буюртмачиларини энг оптимал

³⁶ С. Фишер и др. Экономика. Перевод с английского. Москва. Дело лтд. 1995г. Стр 514.

баҳо-сифат муносабатини таъминлаган ҳолда товар ва хизматлар билан таъминлашдан иборат.

FAR га асосан АҚШда давлат харидига буюртмани жойлаштиришда қуйидаги жараёнлар амалга оширилади:

- ✓ очик савдолар;
- ✓ икки босқичли савдолар;
- ✓ музокорлар олиб бориш;
- ✓ харидни соддалаштирилган тартибда амалга ошириш.

Бошқа мамлакатлар амалиётида учрамайдиган соддалаштирилган тартибда амалга ошириш усули шартнома суммаси катта бўлмаганда (100 минг АҚШ доллари миқдоригача) ва йилига 5 млн АҚШ долларида ортмаганда қўлланилади. Бунда сунъий равишда, харид ҳажмини пасайтириш (майда қисмларга ажратиш орқали) тақиқланади.

Соддалаштирилган усулга қуйидагилар киради:

- ✓ баҳо котировкалари сўровномаси;
- ✓ жуда кичик ҳажмдаги (2500 долларгача) харидни амалга оширишда Корпоратив харид пластик картларидан фойдаланиш;
- ✓ харид учун буюртма жойлаштириш;
- ✓ турлари кўп бўлган маҳсулотни доимий сотиб олишда намунавий-меъёрий шартномалардан фойдаланиш (масалан – буюртмачини автохўжалиги учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ёки офис учун концевия товарларини сотиб олиш) ва бошқалар.

АҚШ да давлат буюртмасини шакллантириш ва жойлаштириш иккита асосий йўналишда амалга оширилади³⁷:

- ◆ жорий фаолиятни таъминлаш учун (моддий-техник таъминот);
- ◆ маълум давлат органини иш йўналиши бўйича харид (аввало илмий- тадқиқот ишлари, капитал қўйилмалар).

³⁷ С. Фишер и др. Экономика. Перевод с английского. Москва. Дело лтд. 1995г. Стр 514.

АҚШ хорижий мамлакатлар орасида давлат харидини ахборот билан таъминлаш соҳасида энг бой тажрибага эга мамлакат ҳисобланади. АҚШ да давлат харидини федерал даражада тартибга солиш бўйича дастлабки қонун 1972 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш бўйича ваколат Молия вазирлиги ва Мудофаа вазирлигига берилган. Умуман, АҚШда давлат хариди тизими марказлаштирилмаган тарзда ташкил этилган.

Ҳозирги пайтда федерал органлар эҳтиёжлари учун харажатни амалга ошириш Умумий Хизматлар Бошқармаси (УХБ) – (General Services Administration) зиммасига юклатилган. Вазирлик ва идораларнинг аризаларига асосланиб, УХБ тендер савдоларини ташкил этиш орқали йирик ҳажмдаги улгуржи харидни амалга оширади. Товарлар УХБнинг юкхоналарида сақланади ва буюртмачиларга улгуржи баҳолар устига сезиларсиз устама қўшиш билан (УХБнинг фаолият харажатларини қоплаш мақсадида қўшиладиган) қайта сотилади.

Буюртмачиларга Умумий хизматлар бошқармаси томонидан марказлашган ҳолда сотиб олинadиган 4 млн. дан ортиқ товарлар хилма-хиллиги таклиф этилади. Умумий хизматлар маъмурияти томонидан бажариладиган яна бир муҳим вазифа бу – харид этиш жараёни харажатларини пасайтиришдан иборатдир. Масалан, Умумий хизматлар маъмурияти томонидан харид учун сарфланган харажатлар умумий харажатларнинг 2.07 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 1.75 фоизга қисқарган.

Миллий мудофаа эҳтиёжлари учун харид Мудофаа вазирлиги – (Department of Defense) томонидан амалга оширилади. Айрим ихтисослашган харид турлари бошқа идоралар томонидан ҳам амалга оширилади, масалан, энергетика соҳасидаги тадқиқотлар ва ривожланиш Агентлиги – (Energy Research and Development Agency), Космик тадқиқотлар ҳамда Аэронавтика Миллий Бошқармаси – (National Aeronautics and Space Administration, NASA) ва бошқалар.

Федерал харид бўйича мониторингни амалга ошириш Харид сиёсати Федерал Бошқармаси – (Office of Federal Procurement Policy) зиммасига юклатилган, харид сиёсати соҳасида идоралараро мувофиқлаштириш эса, Федерал харидни тартибга солувчи Кенгаш томонидан амалга оширилади – (Federal Acquisition Regulatory Council).

АҚШ да давлат харидининг ҳукукий асосини: Федерал эҳтиёжлар учун харидни амалга ошириш Тартиби (Federal Acquisition Regulations, FAR) ва Мудофаа эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш Тартиби – Қўшимчалар (Defense Federal Acquisition Regulations – Supplement, DFARS) каби ҳужжатлар ташкил этади. Ушбу ҳужжатлар харид жараёни тамойил ва босқичларини жуда ҳам деталлашган тарзда ифодалайди ва бутун федерал хариднинг тизимини тартибга солади.

Харид соҳасига тегишли бўлган барча қонунчиликни икки тоифага ажратиш мумкин:

Биринчи тоифа – умумфедерал қонунчилик. Мазкур қонунлар давлат харидини ташкил этиш жараёнини тартибга солади, федерал даражадаги ижроий органлар ваколатига тегишли бўлган хариднинг айрим турларини амалга ошириш бўйича юридик меъёрларни белгилайди.

Иккинчи тоифа – шартномалар шакли ва уларни амалга ошириш бўйича махсус қонунчилик бўлиб, у харид жараёнларини ахборот билан таъминлаш ва унинг натижаси таҳлилини амалга оширишни тартибга солади.

АҚШда давлат харидини ташкил этиш, давлатнинг функция ва вазифаларига америкача ёндашувдан келиб чиқиб, учта асосий тамойилга асосланади:

- ✓ ҳаққонийлик асосида, яъни давлат буюртмалари бўйича савдода иштирок этаётган пудратчилар учун бир хил рақобат муҳитини шакллантириш;

- ✓ очиқлик асосида ва давлат буюртмаларида коррупцияга қарши курашиш;

✓ тежамкорлик ва самаралилик асосида, яъни товар ва хизматларни талаб этилган сифатда ҳамда арзон баҳоларда, харид этиш харажатларини минималлаштиришни таъминлаш³⁸.

АҚШда давлат хариди тизими давлат, хўжалик, илмий-техник комплекслар бўйича 100 га яқин федерал идораларни ўз ичига олади. Улар хар йили товар ва хизматларга бўлган талабни марказий бошқарув федерал органи, ўз идора марказлари ҳамда мамлакатнинг йирик шаҳарларида жойлашган федерал ҳукуматнинг 12 та ҳудудий марказлари орқали жойлаштирадилар.

АҚШ конунчилиги, давлат хариди бўйича ахборот-ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш учун масъул бўлган органлар фаолиятини ҳам тартибга солиб туради. Ахборот-ресурсларини таъминловчи йиғиш, қайта ишлаш ва харид бўйича маълумотларни тарқатиш, федерал эҳтиёжлар учун харид бўйича ахборотлар тизими базасини бошқариш ва шартномаларнинг федерал рўйхатини олиб боровчи органларнинг функция ҳамда ваколатлари қонунчилик бўйича белгилаб берилган. Федерал харидлар бўйича Марказ даврий равишда, маълумотларни тақдим этиш бўйича Йўриқнома чоп этиб туради. Унда қуйидагилар акс этади:

- ҳисобот топширган ва ҳисобот топширмаган идораларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилади;
- ҳар бир идора бўйича, маълумотларни йиғиш бўйича зарурий йўриқномалар;
- тушунтиришлар (қандай маълумотлар зарур ва қайси давр оралиғида уларни тақдим этиш керак).

Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар хариднинг ўсиб бораётган роли етарли даражада акс эттирилмаганлиги сабабли 1994 йилда, АҚШ конунчилиги жиддий тафтиш этилди. Тафтиш якунларига асосан, АҚШ да

³⁸ С. Фишер и др. Экономика. Перевод с английского. Москва. Дело лтд. 1995г. Стр 514.

харидни тартибга солувчи янги қонунчилик шакллантирилди ва у ахборот билан таъминлаш тизимини замонавийлаштириш ҳамда тизимда ахборот-ресурслардан фойдаланишни ташкил этишни такомиллаштирилишига олиб келди. Давлат харидини ташкил этиш жараёни ҳам таҳлил этилди (1994 йилда бу соҳани назорат этувчи қонун ва қоидалар жами 889 тани ташкил этарди). Шундан сўнг, давлат харидини амалга ошириш бўйича ваколатли федерал органларга, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга оширишнинг шакллари, хариднинг турлари, усуллари танлашда кенгайтирилган эркинликлар берилди.

Қонун кичик харидлар учун шартнома тузиш жараёнини соддалаштиради ва электрон савдоларни амалга оширишни параллел равишда қўллаб-қувватлайди. Янги қонунчиликка асосан, харид қиймати 100 минг доллардан паст бўлган савдолар учун қоғозли ҳужжатлар айланмаси бекор қилинди. Бу ерда, “электрон савдолар” термини фаолиятни амалга оширишни таъминловчи электрон технологияларни назарда тутмоқда, яъни интернет, эълонларнинг электрон доскаси, тўлов карталари, пул ўтказиш, маълумотларни виртуал алмашиш ва бошқалар.

Бунда кўплаб, ҳаттоки кичик ҳажмдаги савдоларда ҳам, мавжуд бўлган мураккаб қоида ва жараёнларни амалга оширишдан халос этди. Бугунги кунда Америкадаги ҳар бир федерал идора, шартнома қиймати 25 минг доллардан юқори бўлган, кейинги 5 молия йилидаги барча номахфий тусдаги шартномаларнинг компьютер маълумотлар базасини шакллантириши ва сақлаши лозим.

Ушбу маълумотлар барча идоралар томонидан федерал хариднинг Марказлашган ахборот тизимига жўнатилади. Шартномалар бўйича маълумотларни тақдим этишда, федерал идоралар, ҳужжатларнинг стандартлашган шакллари ва маълумотларнинг унификациялашган форматидан фойдаланилади. Тақдим этиладиган маълумотларга қўшимча тарзда, федерал идоралар, қиймати 5 млн доллар ва ундан юқори бўлган субшартномаларни ҳам идентификациялашган электрон шаклига эга

бўлишлари шарт. Федерал хариднинг ахборотлар тизими, федерал идоралар томонидан ҳар йили тузиладиган жами қиймати 200 млрд долларни ташкил этадиган (қиймати 25 минг доллардан юқори бўлган 400-500 шартномалар ҳамда кичикроқ қийматдаги 17 млн дан ортиқ) шартномаларнинг ҳисоб ахбороти билан таъминлайди. Федерал хариднинг Марказлашган ахборот тизими давлат хариди ҳақидаги жамланган ахборот манбаи ҳисобланади.

3.2. Капитал қурилиш соҳаси ва истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда баҳолар мониторинги юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш

Республикамизнинг барқарор равнақ топишида барча соҳа ва тармоқларнинг ҳиссаси юқори. Шу жиҳатдан қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолининг бирламчи эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Демак, қурилиш соҳаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда доимо баҳо сиёсатини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Капитал қурилиш соҳаси ва истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда баҳолар мониторинги юритиш тизимини такомиллаштириш айнан ушбу бўлимда ўз аксини топган бўлиб, барча тадбирлар ғазначилик бўлинмалари томонидан баҳолар мониторингини амалга ошириш тартиби, қуйидаги соҳалар мисолида кўриб чиқилади:

✓ бюджет маблағлари олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш жараёнида;

✓ буюртмачилар томонидан капитал қурилиш (реконструкция ва таъмирлаш) бўйича харажатларни амалга ошириш жараёнида.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш жараёнларида, ғазначилик бўлинмалари

томонидан баҳолар назоратини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида амалга оширилади.

Бунда ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоларининг мониторингини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг демонополизация, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Антимонополия қўмитаси) томонидан тақдим этиладиган, республика ҳудудлари бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача ойлик баҳолари тўғрисидаги маълумотлари асосида амалга оширилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Антимонополия қўмитаси томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган баҳолардан ортиқ бўлган баҳоларда тузилган шартномалар ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Баҳолар мониторингининг аҳамияти дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисоботларни соддалаштириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида тасдиқланган харажатларини бюджет таснифи бўйича харажат қилиниши назорат қилиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар ва танловлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадлар сарфланишини назорат қилишлилик юқори самара беришидан далолатдир.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид этиладиган бошқа турдаги маҳсулотлар баҳоларини назорати 2009 йил 16 сентябрда рўйхатган олинган 2007-сонли “Давлат бюджетининг ғазна ижроси

қоидалари” га биноан ҳамда бошқа манбалардан олинган ўртача бозор баҳолари³⁹ билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Баҳолар мониторингини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад - бу, асосланмаган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг юзага келишини олдини олиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни (тасдиқланган сметалар асосида, бюджет классификацияси моддаларига мос равишда) таъминлашдан иборат.

Маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) ни харид этиш бўйича шартномалар тендер ёки конкурс (танлов) савдолари орқали амалга оширилади ва бундан кўзланган асосий мақсад оптимал баҳолардан сифатли маҳсулотларни харид этишдан иборатдир. Баҳолар оптималлиги ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат этиш, амалга ошириладиган хариднинг юқори самарасини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Баҳолар мониторинги тизимидаги мавжуд муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- товарлар ва хизматлар баҳоси тўғрисида тизимлашган тарзда ахборот олишнинг етишмаслиги (айниқса республика ҳудудлари бўйича);
- мавжуд баҳолар мониторинги товарларнинг ассортименти (сифати, техник ва бошқа муҳим тавсифлари)ни ҳисобга олмайди;
- баҳолар мониторинги амалга оширишда транспорт харажатларини ҳисобга олишни тартибга солувчи механизм етишмайди;
- айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича Антимонополия қўмитаси томонидан тақдим этилган баҳолар, жойларда ўрнатиладиган баҳолар билан кескин фарқланади.

³⁹ Амалиётда турли хилдаги маҳсулотларнинг ўртача баҳоси ихтисослаштирилган ахборот манбалари (реклама журналлари, газета ва бошқалар), шунингдек, масъулиятли манбалар (маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодиёт бўлинмаларининг маълумотлари, ўхшаш маҳсулотларнинг бозор баҳолари ҳақидаги маҳаллий бозорлар маъмурияти томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ва бошқалар) асосида аниқланади.

Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишда баҳолар мониторинги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодстат вазирлиги ва Давархитектқурилиш қарори билан тасдиқланган “Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори баҳоларини белгилаш тартиби тўғрисида” ги Низоми билан тартибга солинади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачилар ҳамда пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартибини назарда тутди (бундан кейин бинокорлик материаллари).

Низом қурилиши тендер савдоларисиз ўтадиган ҳамда давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолатлари остидаги кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган ўтувчи объектлар бўйича барча буюртмачилар ҳамда пудрат ташкилотлари томонидан қўлланилиши керак.

Бинокорлик материалларининг энг юқори нархи Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқарган корхонанинг улгуржи сотиш нархи (ёки импорт маҳсулотининг харид қиймати)дан келиб чиқиб, транспорт харажатларини ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган энг юқори тайёрлаш-омбор ва воситачилик устамаларини ҳисобга олган ҳолда, воситачилар сонидан қатъи назар, 20 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Импорт маҳсулотининг харид қиймати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартибининг (3.06.2000 йил, рўйхатга олиш рақами 931) 3.9-бандига мувофиқ белгиланади.

Бинокорлик материалларига ҳисоб-китоб ҳужжатлари (юкхатлар, ҳисоб варақ-фактуралар ва бошқалар) ни расмийлаштираётганда воситачилар қуйидаги қўшимча маълумотларни кўрсатишлари шарт:

- ✓ транспорт харажатларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқарган корхонанинг улгуржи сотиш нархи ёки импорт маҳсулотининг харид қиймати;

- ✓ республикада тайёрланган бинокорлик материалларини ишлаб чиқарадиган корхона ёки импорт маҳсулотларини божхонадан ўтказиш пунктининг номи;

- ✓ республикада тайёрланган бинокорлик материалларини ишлаб чиқарадиган корхонанинг уларни чиқариш санаси ёки импорт маҳсулотини божхонадан ўтказиш санаси;

- ✓ қўлланиладиган савдо устамаси (қўшимча ҳақ) миқдори.

Воситачи томонидан республика ҳудудидаги бошқа воситачилардан бинокорлик материаллари харид қилинганида, уларнинг номи ва савдо устамаси (қўшимча ҳақ) кўрсатилади.

Ишлаб чиқарган заводнинг улгуржи сотиш нархи ошган ва буюртмачилар ҳамда пудрат ташкилотлари томонидан воситачиларга бўнак тўловлари амалга оширилмаган бўлса, уларни сотиш чоғида бинокорлик материалларининг энг юқори нархи воситачилар томонидан уларни ишлаб чиқарган заводнинг улгуржи сотиш нархи даражасига етказилиши мумкин.

Мазкур Низомга риоя этилмаганда, бунинг учун жавобгарлик қонунда белгиланган тартибда буюртмачилар ва пудратчиларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юкланади.

Истиқболда, баҳолар мониторингини амалга ошириш сифатини ошириш мақсадида, Ғазначиликнинг дастурлар комплекси билан товарлар ва хизматлар бўйича маълумотлар тўпловчи ваколатли ташкилотларнинг (идора, агентлик) ахборот базалари, ҳамда товарлар ва хизматлар баҳоси тўғрисида маълумотларга эга масъул ташкилотлар ахборотлар (биржалар, электрон ахборотлар) базасини интеграциялаш имкониялари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида харидни ташкилий шакллари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли, товар етказиб берувчилар билан бир қаторда, мамлакатимиз корхоналарини, кичик бизнес субъектларини тендер савдоларида жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилган қарори билан белгиланади.

Хариднинг ташкилий шакллари – сотиб олиш жараёни ва мол етказиб берувчини (хизмат кўрсатувчини) танлаш, давлат сотиб олувчи органи томонидан, қуйидаги (3-чизмага қаранг) йўллар билан мустақил амалга оширилади:

- ✓ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;
- ✓ ярмарка ва биржа савдоларида;
- ✓ очик ва ёпиқ тендерлар орқали.

Давлат харидининг ташкилий шакллари. Қуйидагилар тендер савдоларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади:

- ✓ хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтириладиган давлат бюджети, давлат бюджетда жамланадиган бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан,
- ✓ ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва хорижий грантлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- ✓ харид қилинадиган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар сифатини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар,

бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом”га асосан.

Ўтказиш усулларига кўра тендерлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Тендер тури буюртмачи томонидан белгиланади очик тендерларда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча юридик шахслар қатнашиши мумкин ёпиқ тендерлар истисно ҳолларда ВМнинг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда, буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштирокида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади.

Юқоридаги қарорга мувофиқ тендер савдолари 100 минг АҚШ доллариға тенг миқдордан ортиқ битта шартнома бўйича товарлар етказиб беришни амалға оширишда ўтказилади. Қиймати 100 минг АҚШ доллариға тенг миқдордан кам бўлган битта шартнома бўйича товарлар етказиб беришни амалға оширишда, харидлар энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш асосида амалға оширилади.

Қуйидаги ҳолларда тендер(танлов) ўтказмасдан товар етказиб берувчилар (базарувчилар, пудратчилар) билан шартномалар тузилиши мумкин:

- 1) товарлар етказиб бериш, табиий монополиялар субъектлари фаолияти соҳасига тегишли бўлганда;
- 2) товарлар биржа орқали харид қилинганда;
- 3) шартнома тузиш вақтида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаган суммада товарлар сотиб олинганда;
- 4) тарих ва маданият ёдгорликлари сифатида давлат муҳофазасига олинган ҳамда давлат музей, кутубхона, архив фондларини, кино-фото-фондини ва бошқа шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган тарихий, бадиий ёки бошқа маданият аҳамиятига молик маданий бойликлар (суръатлар, ҳайкаллар, адабий асарлар ва бошқалар), шу жумладан, музей предметлари ва музей тўпламлари, шунингдек, нодир ва қимматли нашрлар ҳамда қўлёзмалар, архив ҳужжатлари, жумладан, уларнинг нусхаларини етказиб беришни амалға оширганда;

5) товарларни сотишга алоҳида ҳуқуқи бўлган фақат битта етказиб берувчидан товарлар харид қилиш мумкин бўлганда;

6) тузилган шартноманинг шартлари дастлабки шартнома умумий суммасининг 20 фоизидан ошмайдиган суммага тенг қўшимча ишларни бажариш мақсадида ўзгарганда;

7) бажариш ёки хизмат кўрсатишни амалга ошириш фақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ёки уларга бўйсунувчи давлат муассасалари ва корхоналари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ мумкин бўлган ишлар ёки хизматларга эҳтиёж туғилганда;

Бугунги кунда «энг яхши танлов таклифлари» ни танлаб олиш жараёнини ва тартибини аниқ белгилаб берувчи, бирорта ҳам тартибга солувчи ҳужжат мавжуд эмас.

8) енгиб бўлмас кучлар (табiiй офатлар, ёнғинлар, фалокатлар, авариялар ва ҳоказолар) оқибатларини бартараф этиш (олдини олиш) учун зарур бўлган муайян товарларга тезкор эҳтиёж туғилганда, бунинг натижасида вақтнинг йўқотилиши талаб қилинадиган бошқа буюртмани жойлаштириш усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаганда (тегишли молия органлари келишуви бўйича);

9) етказиб берувчиларнинг ёки шартномада уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли буюртмачи томонидан тендер (танлов) бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида; агар буюртмачи узоқ туманларда жойлашган бўлса, буюртмачининг фаолият кўрсатиш ҳудудида ва яқин жойлашган туманларда фақат битта етказиб берувчи мавжуд бўлса; шунингдек, бошқа жойлардан нарх котировкаларини олиш ҳеч қандай фойда олиш ёки иқтисод қилиш аниқланганда; транспорт харажатлари учун нархлар ошиб кетишига олиб келганда. Бунда ягона етказиб берувчига буюртмаларни жойлаштириш тегишли молия органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорнинг келишиш муддати, тегишли молия органига келишиш

тўғрисида мурожаат келиб тушган кундан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан тендер бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда уни келишиш учун тегишли молия органига мурожаатдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом” нинг 5-1 пункти.

Тендер бўйича харидларда қатнашувчи мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) билан ҳисоб-китоблар сўмларда амалга оширилади. Қарорларни ошкора ва холисона қабул қилиш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) учун устуворликни сақлаган ҳолда тендер қатнашчилари учун тенг рақобат шароитлари яратиш тендерлар ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Тендер савдолари харидларнинг фақат манбалари мавжудлиги ва маблағ билан таъминлаш миқдорлари тўғрисида тасдиқномалар (молия органлари ёки бюджетдан ташқари жамғармаларни тасарруф этувчиларнинг билдириш хати, хорижий кредиторлар билан ҳукумат кафолати остида имзоланган кредит шартномалари, хорижий грантлар бериш тўғрисидаги билдириш хати ва бошқалар) мавжуд бўлган ҳажми бўйича эълон қилиниши мумкин.

Тендерлар тендерларни ўтказишнинг доимий ёки вақтинчалик органи бўлган тендер комиссияси томонидан ўтказилади. Тендер комиссияси товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ доллариға тенг миқдордан ошмайдиган битта шартнома бўйича амалга оширилганда харид қилувчи ташкилот (“буюртмачи” деб аталади) томонидан тузилади. Товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ доллариға тенг миқдордан ошадиган битта шартнома бўйича амалга оширилган тақдирда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом”.

Тармоқ вазирликлари ва идоралари рози бўлган тақдирда уларнинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига илова қилинган “Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги низоми талабларига риоя қилган ҳолда, тендер ўтказиш бўйича буюртмачилар бўлиши мумкин.

Давлат харидини амалга ошириш бўйича шартномаларни тузиш ва ижро этиш - икки босқичда амалга оширилади:

- шартномани тузиш;
- шартнома ижросининг сифати ва муддатларини баҳолаш.

Шартномани тузиш:

- ✓ тўғридан-тўғри шартномалар— иштирокчилар томонидан келишилган шартлар асосида тузилади;
- ✓ ярмарка ва биржа савдолари - ярмарка ва биржа савдоларининг ўрнатилган тартиблари асосида амалга оширилади (шартномани тузиш савдо ўтгандан кейинги 5 кун муддат ичида амалга оширилади);
- ✓ очик ва ёпиқ танловлар — хариднинг айрим олинган турларини амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик актлари орқали амалга оширилади.

III боб бўйича хулоса

АҚШнинг давлат хариди соҳасидаги фаолиятини умумий мувофиқлаштириш - Федерал харид сиёсати бошқармаси (Office of Federal Procurement Policy) томонидан амалга оширилади. Бу орган — дастлаб, Бюджетни бошқариш бошқармасида маслаҳатчи орган сифатида 1974

йилда ташкил этилган, 1988 йилдан ҳукуматнинг доимий фаолият юритувчи органи сифатида фаолият юритмоқда.

АҚШ хорижий мамлакатлар орасида давлат харидини ахборот билан таъминлаш соҳасида энг бой тажрибага эга мамлакат ҳисобланади. АҚШ да давлат харидини федерал даражада тартибга солиш бўйича дастлабки қонун 1972 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш бўйича ваколат Молия вазирлиги ва Мудофаа вазирлигига берилган. Умуман, АҚШда давлат хариди тизими марказлаштирилмаган тарзда ташкил этилган.

Қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолининг бирламчи эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Демак, қурилиш соҳаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда доимо баҳо сиёсатини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Капитал қурилиш соҳаси ва истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда баҳолар мониторинги юритиш тизимини такомиллаштириш айнан ушбу бўлимда ўз аксини топган бўлиб, барча тадбирлар ғазначилик бўлинмалари томонидан баҳолар мониторингини амалга ошириш тартиби Баҳолар мониторингининг аҳамияти дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисоботларни соддалаштириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида тасдиқланган харажатларини бюджет таснифи бўйича харажат қилиниши назорат қилиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар ва танловлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадлар сарфланишини назорат қилишлилик юқори самара беришидан далолатдир.

Хулоса

Давлат бюджети мамлакатда яратилган миллий даромадни қайта тақсимлаш вазифасини бажарар экан, демак давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати иқтисодиётга солиқ юки даражасини белгилаб беради. Бундан, хулоса қилиш мумкинки, бюджет даромадларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатининг паст бўлиши иқтисодиётга солиқ юкининг пастлигини, ёки аксинча ҳолатда юқорилиги солиқ юкининг ҳам мос равишда баландлигини билдиради.

Ўтган 2011-йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010-йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000-йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Ўайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мамлакатда давлат бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тўзиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини, шунингдек мамлакат бюджетини тўзишнинг назарияси ва методологияси масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет бўйича режалаштириш асослари мамлакат конституцияси ва қонунлари билан белгиланади.

Иқтисодиётда макроиқтисодий мутаносибликларни сақлаш эҳтиёжлари хўжаликнинг айрим тармоқларини, ноишлаб чиқариш соҳаларини, иқтисодий минтақалар (маъмурий-ҳуқуқий тузилмалар) турли мулкчилик шакллари, айрим хўжалик юритувчи субъектларни бюджетдан молиялашни талаб қилади.

Давлат хариди - бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир. Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати давлат хариди инструментида турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Ўрта махсус таълим тизимидаги ислохотлар нафақат ўқув бинолари сонини ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта тўртки беради.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди. Бу эса ижобий натижа бергани.

Жумладан, ўтган йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истеъмол нархлари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда корпоратив ишлаб чиқариш шаклидаги тузилманинг вужудга келиши - аҳолининг юқори сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш, бозор муносабатларига мос самарали бошқарув тизимини шакллантириш, қурилиш материаллари саноати интеграциясини чуқурлаштириш ва мулкчилик муносабатларидаги ислохотларни изчил амалга ошириш заруратини туғдиради.

Ўзбекистонда шакллантирилаётган давлат хариди механизми, бу собиқ иттифоқ даврида мавжуд “давлат хариди” тушунчасидан фарқ қилади. Шу сабабли давлат харидини ташкил этишнинг самарали механизмаларини жорий этишда, уни ташкил этиш буйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу соҳада АҚШ, Европа Иттифоқи, Халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ривожланаётган давлатлар амалиётини ўрганиш

ҳамда уларнинг ижобий тажрибаларидан мамлакатимиз давлат хариди тизимини шакллантиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

АҚШ хорижий мамлакатлар орасида давлат харидини ахборот билан таъминлаш соҳасида энг бой тажрибага эга мамлакат ҳисобланади. АҚШ да давлат харидини федерал даражада тартибга солиш бўйича дастлабки қонун 1972 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш бўйича ваколат Молия вазирлиги ва Мудофаа вазирлигига берилган. Умуман, АҚШда давлат хариди тизими марказлаштирилмаган тарзда ташкил этилган.

Қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолининг бирламчи эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Демак, қурилиш соҳаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда доимо баҳо сиёсатини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Капитал қурилиш соҳаси ва истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олишда баҳолар мониторинги юритиш тизимини такомиллаштириш айнан ушбу бўлимда ўз аксини топган бўлиб, барча тадбирлар ғазначилик бўлинмалари томонидан баҳолар мониторингини амалга ошириш тартиби Баҳолар мониторингининг аҳамияти дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисоботларни соддалаштириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида тасдиқланган харажатларини бюджет таснифи бўйича харажат қилиниши назорат қилиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар ва танловлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадлар сарфланишини назорат қилишлилиқ юқори самара беришидан далолатдир.

Илмий тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

➤ Давлат бюджет маблағларини ноқонуний сарфланиши олдини олиш чора – тадбирларини кўриш;

➤ Давлат бюджет ижроси натижалари ва уни амалдаги ҳолатини ўрганиб бориш тизимини такомиллаштириш;

➤ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларга қилинган сарф-харажатларни тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш;

➤ Иқтисодиёт соҳаларига қилинаётган харажатлар сметасини тубдан қайта кўриб чиқиш ва молиявий харажатлар тўғри режалаштириш механизминини тубдан ўзгартириш;

➤ Давлат харид нархлари бўйича сотиб олинadиган қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари харидини доимий тарзда назорат қилиш тизимини яратиш;

➤ Ғазаначилик орқали давлат харидини амалга оширишда электрон ҳужжат тизим фаолиятини янада такомиллаштириш;

➤ Давлат хариди назоратини кучайтириш ва бу борада кадрлар фаолиятини такомиллаштириш;

➤ Давлат харидини амалга оширишда Товар хомашё биржалари фаолиятини янада такомиллаштириш;

➤ Давлат харидини амалга оширишда Товар хомашё биржаларидаги котировка ва нарх тизимини тартибга солиш ва қайта кўриб чиқишдан иборат.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклифлар амалда жорий қилиниши истиқболда ўзининг ижобий натижасини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари:

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 29 декабр 2008 йилдаги ПҚ-1024 Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сон Буйруғи Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик НИЗОМ.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби».

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.

9. Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 25 январда 880-сон билан рўйхатга олинган).

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган).

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети қарамоғида бўлган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 13 февралда 1005-сон билан рўйхатга олинган).

12. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган).

13. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1,2,3-жилдлар. –Т.: Ўзбекистон, 2002.

14. Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинча Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган).

15. Бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларнинг (олувчиларнинг) шахсий счётларини очиш ва беркитиш бўйича вақтинчалик қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1600-сон билан рўйхатга олинган).

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент.: 2009 й.

17. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012, 6-7-б.

19. И. А. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

20. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2008 йил 9 февраль.

21. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16

йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2007 йил 31 август.

22. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 29.01.2010.

23. “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва конунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-2331-сонли фармони эълон қилинди.

24. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. // Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.

25. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

26. Каримов И.А. "Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида"- Т.: Ўзбекистон, 2005.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари:

27. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. (ЎзР АВ 28.03.2007 й. 1668-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ДМБДҚ 12.02.2007 й. 01/12-18/03- сон ва ЎзР МВ 20-сон қарори).

28. 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг ҳисоблар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома». ЎзР АВ

да 2002 йил 21 ноябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.Т.: ЎБАМА, 2005.

29. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

VI. Дарсликлар

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган:

30. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. Т.: 2001.

31. Абрамова М.А., Александрова Л.С. Финансы и кредит: Вопросы и ответы. – М.: «Юриспруденция», 2006.-184с.

32. Артюшин В.В. Финансовый анализ. Инструментарий практика. Учеб пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 120 с.

33. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004.

34. Бурханов У. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. Тошкент.: 2010.160-бет.

35. Васильева Л.С, Петровская М.В. Финансовый анализ. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 880 с.

36. Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, ТФИ, Тошкент 2002 йил.

37. Гришина О.А, Звонова Е.А. Регулирование мирового финансового рынка: Теория, практика, инструменты. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 410 с.

38. Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий. Учеб. пособ. - М.: Эксмо, 2009. – 652 с.

39. Кукушкин С.Н. Финансово-экономический анализ: Конспект лекций. – М.: Приор, 2010. – 192 с.
40. Кислов Д. В. Практическое бюджетирование для нефинансовых менеджеров - М.: «Налог Инфо», 2008. - 160 с.
41. Фельдман А.Б. Производные финансовые и товарные инструменты. Учебник. – М.: «Экономика», 2008. – 468 с.
42. С. Фишер и др. Экономика. Перевод с английского. Москва. Дело лтд. 1995г. Стр 514.
43. Суэтин А.А. Международный валютно-финансовые отношения. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
44. Маркарьян Э.А., и др. Финансовый анализ. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с.
45. Финансовая математика. Математическое моделирование финансовых операций: Учеб пособ. Под ред. В.А. Половникова и А.И. Пилипенко. – М.: ИНФРА-М, 2010 – 360 с.
46. Малахова Н.Г. Финансы и кредит. Курс лекций. – М.: Эксмо, 2009. – 256 с.
47. Международный финансовый рынок. Учеб пособ. Под. ред. д-ра. Наук проф. В.А. Слапова, Е.А. Звоновой. – М.: Магистр, 2009. – 543 с.
48. Мантенья Н. Мантенья, Г. Юджин Стенли. Введение в эконофизику: Корреляции и сложность в финансах. Пер. с англ. / Под. Ред. В.Я. Габескирия. – М.: «ЛИБРОКОМ», 2009. – 192 с.
49. Ефимова М.Р. Финансовые расчеты. Практикум. Учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2009. – 184 с.
50. Вяткин В.Н, и др. Финансовые решения в бизнеса. – М.: «Экономика», 2007. – 356 с. 2 экз.
51. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под. ред.– М.: «ИД Юрайт», 2010. – 714 с.
52. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

53. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари(2007-2012 йиллар).

54. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. //Ж. 2008-2012 й.

VII. Интернет маълумотлари

55. Рейтинг стран по объему внешнего долга
<http://www.vestifinance.ru/articles/11572>

56. Дефицит бюджета развитых стран составит 5,9% ВВП в 2012 году и 4,9% – в 2013 году – МВФ //http://news.mail.ru/economics/10516847/.

57. www.ssau.ru/books.

58. www.rubricon.com

59. www.neocd.ru

60. www.MIFI.ru